**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ – ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

# "ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК"  ФАНИНИНГ

# ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент - 2010

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус, касб-хунур таълими, Соғлиқни сақлаш, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ва Ўзбекистон республикаси Маданият ва Спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий Кенгаши билан келишилган.

Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2010 йил 9 октябрдаги 2-сонли йиғилиш баёни қарорига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 21 октябрдаги 396 -сонли буйруғи билан тасдиқланди ва амалиётга жорий этилди.

**Масъул муҳаррирлар:**
Б. Ғофуров, Х. Маъсудов.

**Тузувчилар**: С. Йўлдошев, В. Назаров, А. Норбоев, А. Сотволдиев,
Р. Қодиров, А. Бўтаев, С. Назарова, М. Ортиқов.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 йилдаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги ҳамда 2002 йилнинг 12 декабрида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги қонунларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилди. Дастур 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида, шунингдек таълим муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарликдан ўтмаган чақириқ ёшидаги ёшлар учун ҳокимлик қарори билан туман ва шаҳарларда ўқув пунктлари Мудофаа соғломлаштириш спорт лагерлари (МССЛ)ни ташкил этиш учун ҳам фойдаланишга киритилган.

Ушбу «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш» фани ўқув дастури ўрта махсус, касб-ҳунар таълими интеграцияси концепсияси талабларига жавоб беради. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўшма буйруғига асосан ўқув жараёнига татбиқ этилмоқда.

## ЁШЛАРНИ ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРЛАШ” ФАНИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## МУНДАРИЖА

Умумий ташкилий-услубий кўрсатмалар ......................................................4
дастурнинг бўлимлари бўйича йиллик ўқув соатлари тақсимоти ..............10
Кириш мавзуси..........................................................................................11
Ҳарбий хизмат асослари ..........................................................................12.
Отиш тайёргарлиги ....................................................................................8
Амалий жисмоний тайёргарлик..................................................................21
Ҳарбий иш асослари...................................................................................26
Фуқаро муҳофазаси (ўғил ва қиз болалар учун) .........................................30
Тиббий билим асослари (ўқувчи ўғил болалар учун) ......... .......................37
Тиббий билим асослари(ўқувчи қизлар учун ) ...........................................39

### Иловалар

1. Кичик калибрли пневматик милтиқдан, автоматдан ва қўл гранатасини отиш машқлари ......................................................................................45
2. Назорат меъёрлари....................................................................................51
- ҳарбий иш асослари ....................................................................51
- отиш тайёргарлиги ..................................................................... .54
- фуқаро муҳофазаси ......................................................................55
- жисмоний тайёргарлик ..................................................................61
3. Тўсиқлар йўлаги мажмуасида умумий назорат машқлари .....................64
4. "Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш" фани бўйича Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини қурол-яроғ ва анжомлар билан таъминлаш рўйхати ........................................................66
5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларини «Фуқаро муҳофазаси» бўлими бўйича кимёвий ҳимоя воситалари, ўқув жиҳозлари ва материаллари билан таъминлаш рўйхати ....................................................69
6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини «Тиббий билим асослари» бўлими бўйича анжомлар ва ўқув материаллари билан таъминлаш рўйхати ..70
7. "Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш" фани бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими СМСЛ муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш рўйхати ............................................................................... 71
8. "Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш" фани бўйича ўқув-моддий базаси ........................................................................................... 72

## УМУМИЙ ТАШКИЛИЙ - УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш» фани Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкилланади ва олиб борилади.

«Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш» чақириқ ёшигача ва чақириқ ёшида бўлган ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига хизмат қилишга тайёрлашнинг таркибий қисми бўлиб, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун мажбурий ўқув фани ҳисобланади.

«Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлаш» курсининг вазифаси ёшларга таълим жараёнида қуйидагиларни ўргатишдан иборат:

- *ўзининг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш, Ўзбекистон Республикаси конституциясини, Ватан ҳимояси ҳақида ва уни қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш ҳақида билиш;*
- *Ўзбекистон Республикаси мудофаа доктринасининг мудофаага қаратилганлигини;*
- *Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа қўшинларнинг вазифаларини;*
- *Ўзбекистон Республикаси «Мудофаа тўғрисида»ги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларни, Ўзбекистон Руспубликаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хизматини ташкиллаш тўғрисида»ги қарорини, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга киритиш ва чиқариш, ҳарбий жиноят содир этганлиги учун ва ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги асосий қоидаларини ўрганиш;*
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Низомлари ва ҳарбий қасамёднинг асосий талабларини ўрганиш ва англаш;
- *ҳарбий қисмнинг қурол ва ҳарбий техникаси, шахсий таркибнинг турмуш тарзи ва жойлашуви билан танишиш;*
- *ҳарбий иш асослари, зарурий ҳарбий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиш, шунингдек жисмоний чиниқиш ва руҳан ҳамда маънан мустаҳкам бўлиш;*
- *фуқаролар муҳофазаси ва тиббий билим асосларини ўзлаштириш;*

ЁЧҚБТ жараёни ёшлар ҳарбий хизматни ўташда ўзининг конституциявий бурчини аъло даражада бажарилишини ва ўзига топширилган замонавий жанговар қурол ва ҳарбий техникани қисқа муддатда ўзлаштириб олишини таъминлашдан иборат;

*Ёшларга ҳарбий таълим беришда уларга ҳарбий қисмларнинг жанговар ўқув-фаолиятида бажариладиган машқлар, ҳаракатлар ва амалларни ҳарбий қисмлардаги қўшинларнинг жанговар ўқув фаолиятларига мумкин қадар яқинлаштирилган ҳолда ўргатиш кўзда тутилади.*

2. «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш» фани учун ўғил болаларга - 140 соат; қиз болаларга - 70 соат (34 соат «Фуқаро муҳофазаси»га ва 36 соат «Тиббий билим асослари»га) ажратилган.

Машғулотлар умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг охирги икки йилида ҳафтасига икки соатдан ўқитилади.

***Таълим муассасаларида «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш» фани ўтилмаган ёки мазкур фан бўйича синовдан ўтмаган ёхуд якуний баҳоси "қониқарсиз" деб топилган чақириқ ёшидаги ўспиринлар билан шаҳар ёки туман ҳокимлигининг қарори билан ташкил қилинган МССЛ да 160 соатлик дастур асосида ушбу фан ўтилади.***

3. Таълим муассасаларида «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш» фани назарий, амалий ва назорат шаклида ўтказилади.

**Назарий машғулотлар** асосан маъруза ёки суҳбат шаклида материаллар ва таълимнинг техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилади. Бу машғулотларда асосий тушунчалар, таърифлар ҳамда мавзунинг асосий қоидалари қараб чиқилади. Адабиётлар, Низомлар талаби, кўрсатмалар таҳлил қилинади. Маслаҳатлар, тавсиялар берилади, олган билимларини бошқа машғулотларда ҳамда ҳарбий хизматни ўташ даврида қандай қилиб қўллаш мумкинлиги тушунтирилади.

**Амалий машғулотлари** таълим муассасаларининг белгиланган талабларга асосан жиҳозланган ўқув майдонлари ва жойларда ўқув қуроллари, асбоблари, снарядлари, нишонлар ва бошқа кўчма ўқув жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

**Назорат машғулотлари** дастурнинг «Ҳарбий иш асослари» «Отиш тайёргарлиги» ва «Амалий жисмоний тайёргарлик» бўлимлари бўйича фақат ўғил болалар учун дала ўқув машғулотлари (йиғини) якунида, «Ҳарбий хизмат асослари» ва «Фуқаро муҳофазаси» бўлимлари бўйича эса мазкур бўлимлар ўқитилиши якунлангандан кейин ўқитувчилар томонидан таълим муассасаларида ўтказилади. Таълим муассасаларида "Ҳарбий хизмат асослари" бўлими бўйича ўғил болалар билан, «Фуқаро муҳофазаси» бўлими бўйича эса ўғил ва қиз болалар билан бирга назорат машғулотлари ўтказилади.

Назорат машғулотларида ўқувчилар дастурда кўрсатилган меъёрларни (машқ, усул, амалий ҳаракат, вазифалар) бажаришади. Ўқувчиларнинг **якка тартибдаги баҳоси** дастурдаги бўлимлар бўйича назорат машғулотларида унинг ҳар бир меъёри бажарилганлиги учун олган баҳолари йиғиндисидан келиб чиқиб қуйидагича аниқланади:

*«аъло» – агарда барча текширилган меъёрларнинг (машқ усул, амалий ҳаракат, вазифалар) 50 % дан ортиғи «аъло» баҳога, қолганлари эса «яхши» баҳога бажарилган бўлса;*

*«яхши» - агарда барча текширилган меъёрларнинг 50 % дан ортиғи «аъло» ва «яхши» баҳоларга бажарилса, қолганлари эса қониқарлидан пастга баҳоланмаган бўлса;*

*«қониқарли» - агарда барча текширилган меъёрларнинг бажарилишига қўйилган «қониқарсиз» баҳо биттадан кўп бўлмаса;*

*«қониқарсиз» - меъёрлар бўйича иккита ва ундан кўп қониқарсиз баҳо бўлса;*

Таълим муассасаларида битирувчи курс ўқувчилари билан ўқитишининг якуний босқичда ЁЧҚБТдан олган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва юқорида дастур бўлимларида кўрсатилгани бўйича назорат машғулотларини ўтказиш учун, ЁЧҚБТ га ажратилган вақт ҳисобидан **уч кунлик дала ўқув машғулот (йиғин)лари** ўтказилади. Бу машғулот (йиғин)лар қуйидагича ўтказилади:

- *умумтаълим мактабларида 11-синф ўқув билан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида 3-курс ўқувчилари билан март ва май ойларида;*
- *касб-ҳунар коллежларида 3-курс ўқувчилари билан ўқитишнинг охирги даврида ўтказилади;*
- туман (шаҳар) ҳокимлигининг қарори билан ташкил топган ўқув пунктларидаги ўқувчи ўғил болалар билан туман (шаҳар) ҳокимлигининг режасига мувофиқ ўтказилади.

Уч кунлик дала ўқув машғулоти (йиғини) - (ДЎМ) қуйидаги тартибда олиб борилади:

- *бир вақтнинг ўзида барча ёки бир нечта таълим муассасалари туман (шаҳар) ўқув пунктларининг ўқувчи болаларини мудофаа спорт соғломлаштириш лагерларига (МССЛ) ёки оталиқда бўлган ҳарбий қисмларга йиғиш йўли билан;*
- битта таълим муассасасининг (ТМ) ўқувчи болаларини МССЛ базасидаги ўқув пунктларига ёки оталиқдаги ҳарбий қисмга йиғиш йўли билан;
- *ҳар бир гуруҳ (синф) болаларини ҳар куни машғулот майдонларига, отиш, жойлари (тир)га олиб чиқиш ёки йиғиш йўли билан;*

ДЎМ(Й) ўтказиш вақти ва тартибини Мудофаа ишлари бўлимлари туман (шаҳар) халқ таълими органлари, вилоят (шаҳар) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан биргаликда гарнизон бошлиғи билан келишилган ҳолда белгиланади ва ЁЧҚБТ ни режалаштиришга қадар таълим муассасалари раҳбарларига маълум қилинади.

ДЎМ(Й) назорат машғулотларида Назорат меъёрлари (машқ, усул, амалий ҳаракат, вазифалар) ушбу дастурдаги 2-илова шартлари бўйича бажарилади.

**"Ҳарбий иш асослари" бўлими бўйича:**

- нишонни илғаш, уларнинг жой атрофидаги нарсаларга ҳамда белгиларга нисбатан жойлашган ўрнини аниқлаш ва кузатув натижалари тўғрисида ахборот бериш;
- ўт очиш жойини танлаш, ётиб отиш учун *жой* (окоп) тайёрлаш;
- жанг майдонида автоматдан ўт очган ҳолда илдам қадам ва қисқа югуриб, эмаклаб ҳаракатланиш (яхлит бажариш);

**"Отиш тайёргарлиги" бўлими бўйича** (4-мавзу, 11-12-машғулотларда ўтказилади):

- автоматни қисмларга ажратиш, тозалаш ва ствол ичини мойлаш (КА);
- *автоматдан отиш бўйича дастлабки машқни бажариш (кичик калибрли милтиқдан отиш машқини бажариш);*

*- ўқдонга пахтавон ўқларни жойлаш;*

*- портловчи қўл гранаталарини (танкка қарши) улоқтириш бўйича 1(2)-машқларни бажариш.*

**"Амалий жисмоний тайёргарлик" бўлими бўйича:**

*- турникда тортилиш;*

*- 1000 ёки 3000 метрга югуриш;*

*- тўсиқли йўлакдан ошиб ўтиш, умумназорат машқини бажариш;*

*- қўл кураши (жанги) амалларини бажариш.*

ДЎМ(Й) учун умумий баҳо қуйидагича қўйилади:

*"аъло"* - агарда дастурнинг «Ҳарбий иш асослари», «Отиш тайёргарлиги» бўлимлари бўйича олинган баҳо – «аъло» «Амалий жисмоний тайёргарлик» бўлимидан эса «яхши» баҳодан паст бўлмаса, шунингдек "намунали", "яхши" одоб-ахлоққа эга бўлса;

*"яхши"* - агарда дастурнинг «Ҳарбий иш асослари», «Отиш тайёргарлиги», бўлимлари бўйича олинган баҳо «яхши» баҳодан кам бўлмаса, «Амалий жисмоний тайёргарлик» бўлимидан эса "қониқарли"дан кам бўлмаса, шунингдек "намунали", «яхши» ёки «қониқарли» одоб-ахлоққа эга бўлса;

*"қониқарли"* - агарда «Ҳарбий иш асослари»дан ташқари бирон бир бошқа бўлимдан битта «яхши» баҳоси ёки «қониқарли» одоб-ахлоққа эга бўлса;

*"қониқарсиз"* - агарда икки ва ортиқ бўлимлар бўйича олинган баҳо «қониқарсиз» бўлса, шунингдек "намунали", «яхши» ёки «қониқарли» одоб-ахлоқ билан ёки "қониқарли" баҳо, аммо "қониқарсиз" одоб-ахлоққа эга бўлса.

ДЎМ(Й) назорат машғулотларини туман (шаҳар) ҳокимлигининг қарори билан тузилган коммиссия таркиби ўтказади. Ўқувчи болаларга назорат машғулотларида қўйилган баҳолар қайдномаси комиссия таркибининг имзоси ва ҳокимият муҳри билан тасдиқланиб таълим муассасаси директорига жўнатилади. ДЎМ(Й) га қўйилган умумий баҳо синф журналига ДЎМ(Й) белгиси билан ёзиб қўйилади.

Вилоят (туман, шаҳар) хокимлиги томонидан ташкил этилган ўқув пунктларида ЁЧҚБТ дан ўтган чақириқ ёшидаги болалар дастуридаги барча бўлимлар бўйича МССЛнинг якуний босқичига ўтказилади, уларнинг назорат машғулотларида олган якка тартибдаги баҳолари якуний баҳо ҳисобланади.

МССЛ назорат меъёрларини қабул қилиш учун туман (шаҳар) ҳокимлиги қарори билан таркибида МИБ, ФВ бўйича бошқарма, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, МК «Ватанпарвар» ташкилоти вакиллари бўлган комиссия тузилади. ЁЧҚБТ бўйича **йиллик (курс) баҳо** ўқувчиларнинг чорак (семестр) баҳоларига асосланиб қўйилади.

ЁҚЧБТ бўйича **якуний баҳо** ДЎМ(Й)нинг умумий баҳосига ва йиллик (курс) баҳога асосланиб қўйилади ва қуйидагича аниқланади:

*«аъло»* - агарда ДЎМ(Й) учун «аъло» баҳо, шунингдек ЁЧҚБТ бўйича йиллик (курс) баҳоси «яхши» баҳодан паст бўлмаса;

*«яхши» - агарда ДЎМ(Й) учун «яхши» баҳо бўлса, шунингдек БЧТ бўйича йиллик (курс) баҳоси «қониқарли» баҳодан паст бўлмаса;*

*«қониқарли» - агарда ДЎМ(Й) учун «қониқарли» баҳо бўлса, шунингдек БЧТ бўйича йиллик (курс) баҳоси «қониқарли» баҳодан паст бўлмаса;*

*«қониқарсиз» - агарда ДЎМ(Й) учун ёки йиллик (курс) баҳосидан биронтаси «қониқарсиз» бўлса.*

ЁЧҚБТ нинг якуни бўйича таълим муассасаси директорининг буйруғи тузилади (тайёрланади). Бу буйруққа ДЎМ(Й) жараёнида ўқувчилар кўрсатган натижалар таҳлилига асосланиб, шунингдек жорий ўқув йили ЁЧҚБТ дастурининг қай тартибда бажарилганлигига қараб ЁЧҚБТнинг якунига баҳо берилади.

4. Таълим муассасаларида ЁЧҚБТ мазкур дастур талаблари асосида режалаштирилади. Бу режа дастурининг тўлиқ бажарилишини ва унинг ҳар бир бўлимини бошқа фанлар билан узвий ҳамкорликда ўрганишни таъминлаши шарт.

Ҳар бир таълим муассасасида ярим йил ёки бир бутун ўқув йил учун ЁЧҚБТ нинг ҳафталик ва тематик режа тузилади.

Жорий йилга тематик режани чақирувга қадар тайёргарлик фани ўқитувчиси Ўзбекистон Республикаси ЁЧҚБТ дастури ва таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланган ҳафталик режа асосида ишлаб чиқади. Тематик режа ўқув йилига тўлиқ тузилиб, 3 кунлик дала-ўқув машғулотлари (йиғини)ни ўз ичига олади.

Тематик режа ҳар йили Мудофаа вазирлиги ва бошқарувчи ҳужжатларнинг талаблари асосида ва ЧХТ факультетлари (кафедралари), олий таълим муассасалари ҳамда қўшинларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда ҳар йили янгиланиб турилади.

Тематик режада қуйидагилар аниқланади: машғулотлар бўйича ўқув вақтларини тақсимоти, машғулотларни ўрганиш кетма-кетлиги, машғулотнинг ўқув ва тарбиявий мақсадлари, ўқувчиларга мустақил тайёргарликлари учун топшириқлар, адабиётлар номлари, шунингдек услубий кўрсатмалар ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

Машғулотларни ташкилий жиҳатдан яхши уюштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг Умумҳарбий низомлари талабларини ўқувчиларга амалий жиҳатдан сингдириш мақсадида таълим муассасаси директорининг буйруғига асосан гуруҳларда ўқув гуруҳлари ва секциялари ташкил қилинади. Интизомли ўқувчилардан гуруҳ ва секция бошлиқлари тайинланади.

Ўқувчиларнинг машғулотларида олган билим, кўникма ва малакалари дарсдан ташқари ўтказиладиган қуйидаги тадбирлар орқали мустаҳкамланади:

- *ҳарбий иш асосларини ўргатувчи тўгараклар ва спортнинг ҳарбий-амалий турдаги секцияларини ташкил этиш;*
- *ҳарбий спорт мусобақалари, ҳарбий ўйинлар ўтказиш ва ташкил этиш;*
- *ўқувчиларни мактабдан ташқари ҳарбий техника, спорт соғломлаштириш ва йўналишли таълим муассасаларига ташрифларини ташкиллаш.*

ЁЧҚБТ бўйича дарсдан ташқари машғулотлар ва тадбирларни сафлаш ва саф қоидаларига амал қилишдан бошлашни тавсия қилинади. ЁЧҚБТ ўқитувчиси ва ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг Умумҳарбий низомлари талаблари асосида ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Кичик калибрли (пневматик) милтиқдан ўт очиш машқлари ўқувчиларнинг ўқ отиш қуролидан отиш қоидалари ва усулларини қай даражада ўзлаштириб олганлигини текшириш ва уларни жанговар ўқлар билан автоматдан отиш бўйича дастлабки машқларга тайёрлаш мақсадида ўтказилади. Кичик калибрли (пневматик) милтиқдан отиш машқларини бажариш махсус жиҳозланган ўқ отиш жойлари (тир)да, хавфсизлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда ташкил қилинади. Отиш хавфсизлиги таъминланмаган ўқ отиш жойларида (тир) отиш машқларини бажариш ва отиш машқларига раҳбарликни ўқувчилардан бирига топшириб қўйиш қатъиян **ман қилинади**.

Кичик калибрли (пневматик) милтиқдан отиш машқларига отиш қоидаларини мукаммал ўрганган, хавфсизлик қоидаларига риоя қиладиган, отиш тартибини биладиган ўқувчиларгина қўйилади. Қолган ўқувчилар ушбу талабларга жавоб бера оладиган даражага етгандан сўнг дарсдан ташқари тадбирларда отиш машқларини бажарадилар.

Ҳар бир кичик калибрли милтиқдан ёки автоматдан отиш машқини бажаргандан сўнг, гуруҳ нишон олдига олиб келиниб отиш натижалари кўздан кечирилади.

Автоматда жанговар ўқлардан отиш машқлари махсус жиҳозланган отиш жойларида (тирларда) ёки отиш майдонларида гарнизон бошлиғи (ҳарбий қисм бошлиғи) ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими органларининг худудий бошқармалари билан келишилган ҳолда туман (шаҳар) Мудофаа ишлари бўлимлари режалари асосида ўтказилади. Отишни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартиби «Қуруқликдаги қўшинлар отиш қуроллари, жанговар машина ва танклардан отиш курс»ларида (КССО, БМ ва ТСВ-95) белгиланган.

Отиш машқларни бошлашдан аввал отиш машқлари раҳбари ўқувчиларнинг хавфсизлик қоидаларини, автоматнинг тузилиши ва қисмларини, бир жойдан туриб пайдо бўлувчи ва ҳарактсиз нишонларга ўқ отиш тартиб қоидалари бўйича билимларини текширади. Ушбу қоидаларни билмаган ўқувчилар автоматдан жангавор ўқ билан отиш машқларига қўйилмайди.

Таълим муассасаларидан ўқ отиш қуроллари ва ўқ-дорилар вақтинча олиб қўйилганлиги сабабли отиш тайёргарлиги бўйича ўтиладиган назарий машғулотларда қурол-аслаҳаларнинг чизмалари ва диафильмлардан амалий машғулотларда эса қурол–аслаҳалар гранаталар ва миналарнинг нусхаларидан фойдаланиш тавсия этилади. Автоматни ўрганиш бўйича амалий машғулотларни ҳарбий гарнизон бошлиғининг буйруғи билан таълим муассасасига оталиққа бириктирилган ҳарбий қисмда ўтказилади.

Таълим муассасининг раҳбари ўқув курол-аслаҳаларни таълим муассасаларига бериш ва уларни сақлаш ҳақида махсус буйруқ ёки бошқа хужжат олмагунча, унинг тегишли вазирлик ва ташкилотлардан таълим муассасасини махсус табелга мувофиқ курол-аслаҳа, артиллерия ва муҳандислик воситалари билан таъминланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

**Дастурнинг бўлимлари бўйича йиллик**
**<u>ўқув соатлар тақсимоти</u>**

| № | Бўлимлар номлари | Ўқув соатининг умумий миқдори | | Таълим муассаси | | | | | Ўқув пунктлари (Мудофаа спорт соғломлаштириш лагери - МССЛ) да |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | II-босқич (10-синф) | | III-босқич (11-синф) | | Уч кунлик ДЎЙ (ўғил б-лар) | |
| | | Ўғил болалар | Қиз болалар | Ўғил болалар | Қиз болалар | Ўғил болалар | Қиз болалар | | |
| 1 | Кириш мавзуси | 2 | | 2 | | | | | |
| 2 | Ҳарбий хизмат асослари | 30 | | 14 | | 14 | | 2 | 28 |
| 3 | Отиш тайёргарлиги | 20 | | 6 | | 10 | | 4 | 24 |
| 4 | Амалий жисмоний тайёргарлик | 22 | | 8 | | 12 | | 2 | 42 |
| 5 | Ҳарбий иш асослари | 26 | | | | 16 | | 10 | 30 |
| 6 | Фуқаро муҳофазаси | 34 | 34 | 34 | 34 | | | | |
| 7 | Тиббий билим асослари | 6 | 36 | 6 | | | 36 | | 6 |
| | Жами | 140 | 70 | 70 | 34 | 52 | 36 | 18 | 130 |

**Эслатма:**

1.ЧҚБТ тўла курси учун- 140 соат.

Шу 140соатдан:

94 соати амалий машғулотлар,

46 соати - назарий машғулотлар.

2. Ўқувчи қизлар учун 70 соат ажратилади (34 с ФМ га ва 36 с ТБА га).

3. Назорат машғулотлари 10 соат бўлиб, ҳар бир бўлимнинг ичида берилди. Назорат машғулотларининг 4 соати (ҲХА - 2 соат, ФМ-2 соат) таълим муассасида каттароқ мавзулардан сўнг ёки бўлим якунида ўтказилади. 6 соати эса (ҲХА – 2 соат, АЖТ-2 соат, ҲИА – 2 соат) ЎДМ(Й)да ўтказилади.

## КИРИШ МАВЗУСИ

**1 – машғулот.** Назарий Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик (ЁЧҚБТ) умумтаълим мактаблари ва ўрта таълим, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқув дастуридаги умумдавлат мажбурий ўқув фанидир. ЁЧҚБТнинг моҳияти, мақсади ва вазифаси. ЁЧҚБТ дастурининг умумий мазмуни. Мустақил Ўзбекистон Республикасида ЁЧҚБТнинг тарихий зарурияти. Унинг бугунги кундаги аҳамияти.

**2 – машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республикаси Мудофааси - давлатнинг муҳим вазифаси, умумхалқ иши эканлиги. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватан мудофааси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасининг моҳияти, мақсади ва характери.

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТ АСОСЛАРИ

## ТАЪЛИМ ВАЗИФАСИ

*Ўқувчилар тасаввурга эга бўлишлари шарт:*

*- қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи, унинг келиб чиқиши ҳақида ва асосий меъёрларга риоя қилишнинг аҳамияти тўғрисида;*

*- жанговар ҳаракат қатнашчиси (комбатант)нинг ҳулқ-атвор кодекси тўғрисида;*

*- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг вазифаси, таркиби ва жанговар анъаналари ҳақида;*

*- харбий жамоанинг шаклланиши ва жипслашувининг хусусиятлари, Қуролли Кучлар ва қўшин турларининг жанговар имкониятлари ва вазифалари ҳақида.*

*Ўқувчилар билиши шарт:*

*- қуролли тўқнашувлар ҳуқуқининг асосий талаблари ва уларга риоя қилишнинг зарурлигини;*

*- комбатант ва фуқаро шахс орасидаги фарқларни, ҳарбий объект билан фуқаро объектини фарқлашни;*

*- ҳужум пайтида, шунингдек мудофаа пайтида ҳам, қурол танлашнинг асосий талабларини;*

*- ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш усулларини ва тақиқланган қурол турларини;*

*- қуролли тўқнашувлар ҳуқуқини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиш ҳақида;*

*- қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи томонидан қабул қилинган фарқловчи эмблема ва белгиларнинг вазифаси;*

*- Ўзбекистон Республикаснинг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Мудофаа тўғрисида»ги қонунлари талабларини;*

*- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларини сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматини ташкиллаш бўйича тадбирлари ҳақида ва "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга қўйиш ва чиқариш тўғрисида"ги Низомнинг тасдиқланганлиги тўғрисида"ги қарорини;*

*- ҳарбий жиноят, хизматдан бош торганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик қонунчилиги ҳақидаги асосий қоидаларни;*

*-Ўзбекистон Республикаси мудофаа доктринасининг тинч шароитда ва уруш вақтида Қуролли Кучларнинг вазифалари, таркиби, тузилиш принциплари, стратегияси ва қўллаш шарт-шароитларининг асосий қоидаларини;*

*- ҳарбий интизом асосларини, ҳарбий низом, унинг ҳарбий қисм ва секциялар ҳаёти ва фаолиятидаги ўрнини, ҳарбийча хушмуомалалик қоидаларини, ўзини тутиш ва ҳарбийча саломлашишни, аскарнинг сафга туришдан олдинги ва сафдаги мажбуриятларини.*

*Ўқувчилар уддалаши шарт:*

*- қуролли тўқнашувлар ҳуқуқининг асосий қоидаларини тўғридан тўғри бажаришни;*

*- ҳарбий хизматчи мажбуриятларининг моҳиятини тушунтира олиш, ҳарбий унвон (лавозим)и бўйича катталарга мурожаат қилиш, буйруқ олганда буйруқ бўйича ёки взвод бўйича посбон ўрнида ҳаракат қилишни;*

*- сафда якка тартибда қуролсиз саф усулларини ва секция таркибида қайта сафланишни тўғри бажаришни.*

## "Ҳарбий хизмат асослари" бўлими бўйича мавзулар номи ва уларни ўрганиш учун ўқув соатлар тақсимоти

| № | Мавзулар номи | Соатлар миқдори | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Хамма си | Таълим муасса сида | ДЎЙ да | Ўқув пунктлари (МССЛ)да |
| 1. | Ҳарбий хизматнинг ҳуқуқий асослари | 3 | 3 | | 4 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – давлат ҳарбий ташкилоти. Ўзбекистон Республикаси мудофаасининг асоси | 4 | 4 | | 4 |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми. | 4 | 4 | | 5 |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низоми. | 1 | 1 | | 2 |
| 5. | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Горнизон ва қоровул хизмати низоми. | 2 | 2 | | 2 |
| 6. | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми. | 7 | 7 | | 7 |
| 7. | Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи. | 4 | 4 | | 4 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 8 | Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолати. Ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. | 1 | 1 | | 4 |
| | Назорат машғулотлари. | 4 | 2 | 2 | |
| | **Жами.** | **30** | **28** | **2** | **32** |

## 1-мавзу. Ҳарбий хизматнинг ҳуқуқий асослари.

**1-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватан ҳимояси тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни. Мудофаа тушунчаси. Қуролли кучлар. Қуролли кучларга рахбарлик. Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби. Ҳарбий округ.

**2-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни. Ҳарбий мажбурият тушунчаси. Ҳарбий хизмат турлари. Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш. Муқобил хизмат.

**3 - машғулот**. Назарий. Умумий ҳарбий мажбуриятни ташкилэтувчилари. Фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш. Чақирув комиссиялари. Фуқароларни ҳарбий хизматга чақирилиши. Ҳарбий хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш. Ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этиш.

### ЧҚБТни МССЛда ўтувчилар учун қўшимча:

**4 - машғулот**. Назарий. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг «Ички хизмат Низоми», «Интизом Низоми», «Саф Низоми» ва «Гарнизон ва қоровул хизматлари Низоми».

## 2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – давлатнинг ҳарбий ташкилоти. Ўзбекистон Республикаси мудофаасининг асоси.

**1-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республика Қуролли Кучларининг вазифаси, таркиби ва қурилиш принциплари. Уларнинг фаолияти асослари. Қуролли Кучларга раҳбарлик, ҳарбий бошқарувнинг маҳаллий органлари.

**2-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республика Қуролли Кучлари - Мудофаа вазирлиги қўшинлари, ИИВнинг ички хизмат ва қоровул қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбийлаштирилмаган қисмларининг вазифалари ва жангавор имкониятлари. Қўшин турлари ва уларнинг вазифалари.

**3-машғулот.** Назарий. Командирлар, бошлиқлар ва уларнинг шахсий таркибни тарбиялашда уларнинг ўрни. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий ўқув юртлари. Уларга қабул қилиш қоидалари.

**4-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар анъаналари, уларни ҳозирги босқичда ривожланиши. Ҳарбий қасамёд ва унинг ҳарбий хизматчиларга қўядиган талаблари. Ҳарбий

қисмнинг Жанговар Байроғи- ҳарбий қадрият, қаҳрамонлик ва шон-шараф рамзи.

## 3-мавзу. Ўзбекистон Республика Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми.

**1-машғулот.** Назарий. Ҳарбий хизматчиларнинг умумий мажбуриятлари. Ҳарбий унвонлар. Бошлиқлар ва бўйсунувчилар, катталар ва кичиклар. Тўғридан-тўғри ва бевосита бошлиқлар.

**2-машғулот.** Назарий. Ҳарбийча саломлашиш, ҳарбий хушмуомалалик ва мурожаат қилиш қоидалари. Буйруқ бериш ва уни бажариш тартиби. Ҳарбий хизматчилар орасидаги низом муносабларини бузганлик учун жавобгарлик. Командирлар ва бошқа тўғридан-тўғри бошлиқларнинг умумий мажбуриятлари.

**3-машғулот.** Амалий. Взвод бўйича наряднинг вазифаси, таркиби, куролланиши. Взвод бўйича посбоннинг мажбуриятлари. Навбатдаги посбон ўз мажбуриятларини бажарадиган жойнинг жиҳозланиши.

**4-машғулот.** Амалий. Тревога эълон қилинганда, ёнғин чиққанда, взводга взвод командири, тўғридан-тўғри бошлиқлар ва бошқа взвод ҳарбий хизматчилари келган пайтда посбоннинг ҳаракатлари.

## 4-мавзу. Ўзбекистон Республика Қуролли Кучларининг Интизом низоми.

**3-машғулот.** Назарий. Ҳарбий интизом, унинг моҳияти ва қуролли кучлар учун аҳамияти. Аскарга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантиришлар ва интизомий таъзир чоралари.

## 5-мавзу. Ўзбекистон Республика Қуролли Кучларининг Горнизон ва қоровул хизмати низоми.

**1-машғулот.** Назарий. Қоровул хизмати ва уни ташкил этилиши. Қоровул ва унинг таркиби. Соқчи ва унинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.

**2-машғулот.** Амалий. Пост ва унинг жиҳозланиши. Соқчининг постдаги ҳаракатлари. Соқчи қўлидаги қуролнинг ҳолатлари ва қуролни қўллаш қоидалари. Соқчини алмаштириш.

## 6-мавзу. Ўзбекистон Республика Қуролли Кучларининг Саф низоми.

**1-машғулот.** Амалий. Саф ва унинг элементлари. Аскарнинг сафланишдан аввалги ва сафдаги мажбуриятлари. Дастлабки ва дарров бажариладиган командалар: «Сафлан», «Текислан», «Ростлан», «Эркин», «Тўғрилан», «Бекор қилинсин» командаларини бажариш.

**2-машғулот.** Амалий. Қадни ростлаб туриш. Жойда туриб бурилишлар.

**3-машғулот.** Амалий. Шахдам қадам билан ва оддий юриш қадами билан ҳаракатланиш. Ҳаракат пайтида бурилиш.

**4-машғулот.** Амалий. Тўхтаб турганда ва ҳаракат чоғида бош кийим билан ва бош кийимсиз ҳарбийча саломлашиш. Ҳаракат пайтида саломга жавоб бериш. Сафдан чиқиш, бошлиқ олдига бориш ва сафга қайтиш.

**5-машғулот.** Амалий. Секция сафи. Секциянинг юриш сафи ва ёйиқ сафга сафлаш. Секцияни ёйиқ сафдан юриш сафига ва юриш сафидан ёйиқ сафга қайта сафлаш.

**6-машғулот.** Амалий. Секциянинг шахдам қадам билан ва оддий юриш қадами билан ҳаракатланиши. Ҳаракат йўналишини ўзгартириш. Жойда туриб ва ҳаракат пайтида бурилишлар, жойда туриб ва ҳаракат чоғида саломлашиш.

**7-машғулот.** Амалий. Секция таркибида оддий ва шаҳдам қадам билан юришни ва ҳаракат чоғида саломлашишни машқ қилиш.

## 7-мавзу: Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи.

**1-машғулот.** Назарий. Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи (ҚТҲ)нинг моҳияти, тамойиллари ва манбалари. ҚТҲ вужудга келиши. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг мазмуни. ҚТҲнинг манбалари.

**2-машғулот.** Назарий. ҚТҲнинг асосий тамойиллари. Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқининг асосий тушунчалари.

**3-машғулот.** Назарий. Ҳарбий операцияларни режалаштириш. Ҳарбий операцияларни режалаштиришга қўйилган асосий талаблар. ҚТҲни бузганлик учун жавобгарлик. ҚТҲни бузганлик учун миллий даражада ва халқаро даражада жавобгарликка тортиш.

**4-машғулот.** Назарий. ҚТҲда кўзда тутилган фарқловчи тимсол ва белгилар. Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой халқаро ҳаракати.

## 8-мавзу. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолати. Ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

**1-машғулот**. Назарий. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолати. Уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги. Ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ва улар учун жавобгарлик.

## Назорат машғулотлари

**1-2-машғулотлар.** «Саф Низоми»ни асосий қоидалари бўйича билимларни текшириш. Назорат меъёрларини бажариш (қуролсиз бажариладиган саф амаллари ва ҳаракатлари):

- қадни ростлаш;
- жойда туриб бурилишлар;
- шахдам қадам билан ҳаракатланиш;
- ҳаракат пайтида бош кийим билан ҳарбийча саломлашишни бажариш;
- бошлиқ олдига бориш ва унинг олдидан кетиш, сафга туриш.

**3-4-машғулотлар.** Амалий. 1-5-мавзулар бўйича ДЎМ(Й)да ўтилади.

# ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ

*Ўқувчилар билишлари шарт:*

*- Калашников автомати, ГП-25 ствол ости гранатамёти, парчаланувчи қўл ва танкка қарши гранаталарининг жанговар хусусиятлари, тузилиши, ишлаш принципларини;*

*- қўзғалмас ва пайдо бўлувчи нишонларга отиш қоидаларини;*

*Ўқувчилар уддалаши шарт:*

*- автоматни отишга тайёрлашни, унда қўзғалмас ва пайдо бўлувчи нишонларга отиш усулларини бажаришни;*

*- автоматни тозалашни ва мойлашни;*

*- бурчак катталиги ёрдамида нишонгача бўлган масофани аниқлаш усулларини;*

*- парчаланувчи қўл ва танкка қарши гранаталарни, ҳар хил ҳолатда узоқликка ва аниқликка улоқтириш техникасини;*

*- парчаланувчи қўл ва танкка қарши гранаталарни улоқтириш машқларини бажаришни.*

*Ўқувчилар қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлиши шарт:*

*- бошланғич машқ шартлари бўйича автоматдан жанговар ўқ билан отиш амалини бажариш;*

*- кичик калибрли (пневматик) милтиқдан ўқ отиш машқларини бажариш.*

**«Отиш тайёргарлиги» бўлими бўйича мавзулар номи ва уларни ўрганиш учун ўқув соатлари тақсимоти**

| № | Мавзулар номи | Соатлар миқдори | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳамма-си | Таълим муасса-сида | ДЎЙ - да | Ўқув пунктлари-(МССЛ) да |
| 1 | Калашников автомати ва парчаланувчи қўл гранаталарининг моддий қисмлари | 5 | 5 | | 5 |
| 2 | Кичик калибрли (пневматик) милтиқ | 1 | 1 | | 1 |
| 3 | Қуролдан отиш асослари ва қоидалари | 4 | 4 | | 4 |
| 4 | Жойда туриб ва ҳаракат пайтида қўзғалмас ва пайдо бўлувчи нишонларга ўт очиш | 10 | 6 | 4 | 14 |
| | **Жами** | **20** | **16** | **4** | **24** |

## 1-мавзу: Калашников автомати ва парчаланувчи қўл гранаталарининг моддий қисмлари.

**1-машғулот.** Назарий. Қурол - яроғ ва ўқ - дорилар билан ишлаганда хавфсизлик чоралари. Калашников автоматининг вазифаси, жанговар хусусиятлари, умумий тузилиши, ишлаш принципи.

**2-машғулот.** Амалий. Калашников автоматини нотўлиқ қисмларга ажратиш тартиби. Автоматнинг асосий қисм ва механизмларининг умумий тузилиши ва вазифалари.

**3-машғулот.** Амалий. Автоматни отишга тайёрлаш. Отиш вақтида автоматда содир бўлиши мумкин бўлган носозликлар ва уларни бартараф этиш усуллари. Ўқдонни патрон билан тўлдириш, автоматни ўқлаш.

**4-машғулот.** Амалий. Автоматнинг қўшимча ашёлари. Автоматни тозалаш, мойлаш тартиби ва уни сақлаш.

**5-машғулот**. Амалий. Парчаланувчи қўл гранаталарининг вазифаси, жанговар хусусиятлари, умумий тузилиши ва ишлаш усули. Гранаталарни улоқтиришга тайёрлаш ва кўздан кечириш. Парчаланувчи қўл гранаталарини қўллаётганда хавфсизлик чоралари.

## 2-мавзу. Кичик калибрли (пневматик) милтиқ.

**1-машғулот.** Амалий. Милтиқнинг тузилиши. Уни ўқлаш тартиби. Милтиқни отишга тайёрлаш, ўқлаш ва ўқ отиш. Уни тозалашнинг ўзига хос ҳусусиятлари.

## 3-мавзу. Қуролдан отиш асослари ва қоидалари.

**1-машғулот.** Назарий. Отиш ҳодисаси ва унинг даврлари. Ўқнинг бошланғич тезлиги ва унинг отишга таъсири. Қуролнинг тепиниши ва учиш бурчаги.

**2-машғулот.** Назарий. Ўқ траекториясининг ҳосил бўлиши. Тўғри отиш. Тўсилган, ўқ тегмайдиган (ўлик) ва тегадиган бўшлиқлар ҳамда уларнинг амалий аҳамияти.

**3-машғулот.** Амалий. Аниқ отиш. Нишонни танлаш. Жойидан қўзғалмас ва пайдо бўлувчи нишонларга отаётганда прицелни ва мўлжалга олиш нуқтасини танлаш. Отишга тузатишлар киритиш.

**4-машғулот.** Амалий. Нишонгача бўлган масофани аниқлаш усуллари. Бурчак катталиги ёрдамида нишонгача бўлган масофани аниқлаш. Минглик формуласи ва уни амалда қўллаш.

## 4-мавзу. Жойда туриб ва ҳаракат пайтида қўзғалмас ва пайдо бўлувчи нишонларга ўт очиш.

**1-2-машғулот.** Амалий. ДЎМ(Й) даврида ўтказилади. Машғулот ўтказишдаги хавфсизлик чоралари. Ўқдонни ўқ билан тўлдириш ва сумкага жойлаш. Таянчни тайёрлаш. Таянчдан ётиб отишга тайёрлаш. Отишни амалга ошириш. Отишни тўхтатиш. Кичик калибрли (пневматик) милтиқдан отиш машқларини бажариш шартларини ўрганиш.

**3-4-машғулот.** Амалий. Кичик калибрли (пневматик) милтиқдан отиш машқларини бажариш.

**5-машғулот.** Амалий. Парчаланувчи қўл гранаталарини жойдан турган, ҳаракатланаётган, тиззалаган, ётган холатлардан ва окоп (қудуқ)дан улоқтириш техникасини ўрганиш.

**6-машғулот.** Амалий. Танкка қарши гранаталарини тик тўсиқ ортидан, тик турган, тиззалаган, ётган холатлардан ва окопдан улоқтириш техникасини ўрганиш.

**7-машғулот.** Амалий. Парчаланувчи қўл гранаталари (ПҚГ)ни окопдан узоқликка ва мўлжалга аниқ улоқтириш. 1-машқни бажариш.

**8-машғулот.** Амалий. Танкка қарши қўл гранаталарини ўра (окоп)дан узоқликка ва мўлжалга аниқ улоқтириш. 2-машқни бажариш.

**9-10-машғулот.** Амалий. ДЎМ(Й) даврида ўтказилади. Отиш бўйича бошланғич машқлар шартлари асосида автоматни жанговар ўқлар билан отиш машқларини бажариш ва амалий кўникмаларни эгаллаш. (Мазкур дастурнинг 2-иловасидаги отиш тайёргарлиги шартлари бўйича назорат меъёрларини бажариш).

## АМАЛИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Амалий жисмоний тайёргарлик аскарнинг жанг майдонида ҳаракатланиши учун ҳарбий-амалий йўналишга эга бўлган кучни ривожлантирувчи, чидамлиликни, тезликни, махсус кўникма ва чаққонлик сифатларини ривожлантирувчи машқларини ўз ичига олади.

### Таълим вазифаси

1. Ахлоқли ва иродали бўлиш сифатларини тарбиялаш (бардошлилик, дадиллик, ҳал қилувчанлик, ғалабага интилиш, ўзини идора қилиш ва бошқалар)
2. Танани соғломлаштириш, чиниқтириш ва ташқи муҳит қаршиликларига чидамлиликни ошириш.
3. Ўқувчиларни жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга ўргатиш; уларни ҳарбий-амалий йўналишли спорт турлари машғулотларига жалб қилиш.

*Ўқувчилар тасаввурга эга бўлишлари шарт:*

*- машқ йўналишлари билан ўқув машқларини комплекс ўтказишни, машғулотларда жисмоний зўриқишнинг юқори тиғизлигига эриши услублари тўғрисида.*

*Ўқувчилар билиши шарт:*

- Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги Қонуни (2000 й.) ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси (1995

й.) асосидаги Низомга биноан ўспирин ёшларни соғломлаштириш бўйича республика тадбирлари.

*Ўқувчилар уддалаши шарт:*

*- жисмоний кучни, чидамлиликни, чаққонликни мунтазам суратда ривожлантириш ва мустаҳкамлашни;*

*- тез ҳаракат қилиш, тўсиқлардан ўтиш, гранаталарни улоқтиришни;*

*- дастурда кўзда тутилган қўл жанги усулларини бажаришни.*

**"Амалий – жисмоний тайёргарлик" бўлими бўйича мавзулар номи ва уларни ўрганиш учун ажратиладиган ўқув соатлари тақсимоти**

| № | Мавзулар номи | Соатлар миқдори | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳаммаси | Таълим муассасида | ДЎЙда | Ўқув пунктлари (МССЛ)да |
| 1 | Умумжисмоний тайёргарлик | 3 | 3 | | |
| 2 | Тўсиқлар йўлаги (қатори)дан ўтиш | 6 | 6 | | 9 |
| 3 | Қўл жанги | 11 | 11 | | 14 |
| 4 | Гимнастика | | | | 7 |
| 5 | Енгил атлетика | | | | 6 |
| 6 | Спорт ўйинлари | | | | 4 |
| 7 | Назорат машғулотлари | 2 | | 2 | |
| | **Жами** | **22** | **20** | **2** | **40** |

### 1-мавзу. Умумжисмоний тайёргарлик

**1-2-машғулот.** Амалий. Амалий - жисмоний тайёргарлик ЁЧҚБТнинг асосий бўлими ва ўқувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ажралмас қисми. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуни (2000 йил 26-май). Машғулотларда жисмоний юкламанинг юқори даражасига эришиш.Турникда бажариладиган машқлар: тортилиш; тортилиб тўнтарилиш. Брусда бажариладиган машқлар: чайқалган ҳолда қўлни букиш, тўғрилаш. Куч машқлари мажмуаси. Узунасига қўйилган «эшак» ва «от» устидан сакраш. Оёқлар ва қўллар ёрдамида ҳамда фақат қўллар ёрдамида арқонга чиқиш. Чаққонлик машқлар мажмуаси

**3-машғулот.** Амалий. Ўрта ва узоқ масофаларга югуриш техникасини ўрганиш. 1000-3000 м. масофаларга бир меъёрда югуриш техникасининг элементларини мустаҳкамлаш.

### 2-мавзу. Тўсиқлар йўлаги (қатори)дан ўтиш.

**1-машғулот.** Амалий. Ягона тўсиқлар йўлаги билан танишиш. Алоҳида тўсиқлардан ўтиш усуллари ва уларни енгиб ўтишни машқ қилиш.

**2-3-машғулот.** Амалий. Тўсиқлар йўлагидаги алоҳида тўсиқ ва тўсиқлар гуруҳини енгишни ўрганиш ҳамда уларни енгиб ўтиш бўйича машқ қилиш.

**4-машғулот.** Амалий. Умумназорат машғулотлари шартлари асосида ҳар хил ҳолатларда гранатани улоқтириш техникасини ўрганиш. Умумназорат машқларини бажариш бўйича малакаларни такомиллаштириш.

**5-машғулот**. Амалий. Умумий назорат машқларини бажариш.

**6 - машғулот.** Амалий. Тўсиқлар йўлагидан умумий назорат шартлари асосида шахсий ва командалар биринчилиги учун мусобақалар ўтказиш.

## Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни МССЛ да ўтадиган чақирув ёшдаги болалар учун
## ҚЎШИМЧА

**7-8-машғулот.** Амалий. Тўсиқлардан ўтишда ва тўсиқлар йўлагида машқ бажаришдаги малакаларни такомиллаштириш. Граната улоқтиришни машқ қилиш. Шахсий ва командалар биринчилиги учун мусобақалар ўтказиш.

## 3-мавзу. Қўл жанги

**1-машғулот.** Амалий. Қўл жангининг тайёргарлик усулларини (ўзини муҳофаза қилиш, жангга тайёр бўлиш, ҳаракат қилиш) ўрганиш ва машқ қилиш. Тайёргарлик усулларини комплекс тарзда машқ қилиш.

**2-машғулот.** Амалий. Қўл билан тўғридан, ён тарафдан, тепадан зарба бериш ва оёқ билан тўғридан, юқоридан, ён тарафдан, пастдан зарба бериш усулларини ўрганиш ва машқ қилиш.

**3-машғулот.** Амалий. Қўл ва оёқ билан бериладиган зарбалардан ҳимояланиш усулларини ўрганиш ва машқ қилиш.

**4-машғулот.** Амалий. Оғритиш усулларини бажаришни ўрганиш ва машқ қилиш: рақибга олдидан ва орқасидан келиб, қўлини орқасига қайириш, рақибнинг қўлини орқасига қайириш. Рақибнинг қўлини ичкарига ва ташқарига бураш ҳамда тепада тугун қилиш.

**5-машғулот.** Амалий. Орқадан чалиш, орқадан рақибни оёқларидан ушлаб йиқитиш усулларини ўрганиш ва машқ қилиш.

**6-машғулот.** Амалий. Рақиб қўл , оёқ, гавда, бўйин, кийим ёқасидан ушлаб олганда қутулиб кетиш усулларини ўрганиш ва машқ қилиш.

**7-машғулот.** Амалий. Автоматнинг найза-пичоғини санчиш, ствол билан зарба бериш, қўндоқ билан ёндан ва ўқдон билан зарба бериш усулларини ўрганиш ва машқ қилиш.

**8-машғулот.** Амалий. Рақиб найза-пичоқни санчмоқчи бўлганда найза-пичоқни чап ёки ўнг тарафга уриб юбориш, чапга ёки ўнгга ён бериб, уни қуролсизлантириш, қўндоқ билан зарба берилганда ҳимояланиш усулларини ўрганиш ва машқ қилиш. Тренировка таёғи билан машқ қилиш. Душман автоматни ушлаб олганда қутулиб кетиш.

**9-машғулот.** Амалий. Пичоқ билан юқоридан, пастдан, ён тарафдан, тўғридан зарба берилганда ҳимояланиш усулларини ўрганиш ва машқ қилиш. Душманни қуролсизлантириш.

**10-машғулот.** Амалий. Душман тўппончасини олаётганда, у олдиндан ёки орқадан тўппончани ўқталиб хавф солаётганда қуролсизлантириш усулларини ўрганиш ва машқ қилиш.

**11-машғулот.** Амалий. Душманнинг устига ўтириб олиб ёки турган ҳолда уни боғлаш усулларини ўрганиш ҳамда машқ қилиш.

### Назорат машғулотлари.

**1-2-машғулотлар.** Амалий. 1-3-мавзулар бўйича ЎДМ(Й)да ўтказилади.

### ЁЧҚБТ ни МССЛда ўтадиган чақирув ёшидаги болалар учун. ҚЎШИМЧА

**12-14-машғулот.** Амалий. Ўрганилган қўл жанги усулларини умумий машқларда такомиллаштириш.

### 5-мавзу. Гимнастика

**1-машғулот.** Амалий. Синов учун машқлар: турникда тортилиб букилиш, брусда тиралиб (таяниб) турган ҳолда қўлларни букиш ва тўғрилаш. Узунасига қуйилган «от» устидан узунликка сакраш машқларини ўрганиш ва машқ қилиш.

**2-машғулот.** Амалий. Турникда тортилиб тўнтарилиш. Брусда чайқалиб турган ҳолда қўлларни букиш ва тўғрилаш. Оёқлар ва қўллар ёрдамида арқонга чиқиш. Узунасига қўйилган «от» устидан узунликка сакраш машқларини ўрганиш ва машқ қилиш.

**3-машғулот.** Амалий. Турникда куч билан кўтарилиш. Брусда қўлларда тиралиб (таяниб) турган ҳолда қўлларни букиш ва тўғрилаш. Узунасига қўйилган «от» устидан узунликка сакраш. Фақат қўллар ёрдамида арқонга осилиб чиқиш машқларини ўрганиш ва машқ қилиш.

**4-7-машғулот.** Амалий. Турникда, брусларда, сакрашда ва арқонга қўллар ёрдамида осилиб чиқиш машқларини ўрганиш ва машқ қилиш.

### 6-мавзу. Енгил атлетика

**1-машғулот.** Амалий. Қисқа масофага югуриш. Қисқа масофага югуриш техникаси. Қуйи старт техникаси ва «Стартга!», «Диққат!», «Марш!» командаларини машқ қилиш.

**2-машғулот.** Амалий. Ўрта масофага югуриш. Юқори старт техникаси. «Стартга!», «Диққат!», «Марш!» командаларини бажаришни машқ қилиш. 300-400 м. масофага қайтадан югуриш. 1000 м.га кросс.

**3-машғулот.** Амалий. Ўрта ва узоқ масофаларга югуриш техникасини ўрганиш. 1000 метрдан 3000 метргача бир меъёрда югуриш техникасининг элементларини мустаҳкамлаш.

**4-машғулот.** Амалий. Нотекис жойларда югуриш техникасини ўрганиш. Марш-бросок машқини такомиллаштириш.

**5-машғулот.** Амалий. 4-5км масофага марш-бросок машқини такомиллаштириш.

**6-машғулот.** Амалий. 6км.гача марш-бросок машқини такомиллаштириш.

## 7-мавзу. Спорт ўйинлари

**1-машғулот.** Амалий. Баскетбол ўйинидан дастлабки ҳолат (ўйинчининг тайёр туриши), жойдан-жойга кўчиш, тўпни ўйинга киритиш, узатиш, тўпни халқали тўрга ташлаш, ҳужумни қайтариш қоидалари, ўйин тактикаларини ўрганиш.

**2-машғулот.** Амалий. Баскетбол ўйинининг тактика ва техникасини такомиллаштириш.

**3-машғулот.** Амалий. Футбол ўйинидан дастлабки ҳолат (ўйинчининг тайёр туриши), жойдан-жойга кўчиш (югуриш, сакраш, тўхташ, бурилишлар), тўп билан ўйин (оёқ, бош билан тўпга зарба бериш, тўпни тўхтатиш, тўпни бошқариш, тўпни ташлаш, алдамчи ҳаракатлар), дарвозабон ҳаракати (дастлабки ҳолат, тўпни тутиш, тўпни эгаллаш, тўпни ўйинга киритиш)ни ўрганиш.

**4-машғулот.** Амалий. Футбол ўйиннинг тактика ва техникасини такомиллаштириш.

## ҲАРБИЙ ИШ АСОСЛАРИ

## ТАЪЛИМ ВАЗИФАСИ

*Ўқувчилар тасаввурга эга бўлишлари шарт:*

- замонавий армияларнинг қурол-аслаха ва техникаларини жанговар хусусиятлари ҳақи*да.*

*Ўқувчилар билишлари шарт:*

- умумқўшин жанги асосларини, аскарнинг жанговар мажбуриятини, ўт очиш ва манёвр (жанг майдонида қўшинларнинг душманга зарба бериш учун қулай вазиятни эгаллаш мақсадидаги ҳаракати) турлари ва разведка ўтказиш асосларини.

*Ўқувчилар уддалашлари шарт:*

- отиш ва кузатиш учун жой танлашни ва уни жиҳозлашни:
- белгиланган майдонда кузатув олиб боришни, жой атрофидаги нарсаларга нисбатан нишонларнинг жойланишини аниқлашни, кузатув натижалари тўғрисида ахборот беришни;
- парчаланувчи ва танкка қарши қўл гранаталарини қўллашни;
- танкка қарши миналарни ўрнатиш, улар ўрнатилган жойларни аниқлаш ва гуруҳ (секция) таркибида мина майдонларидан йўл очиб ўтишни;

*Ўқувчилар қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлишлари шарт:*

- ахлоқли, иродали, матонатли, мард, ғалабага ишонувчи, ўзини тута билиши, ташаббускор бўлиши;
- аскарининг жангдаги ҳаракатлари, усуллари ва амалларини тўғри тез ва аниқ бажариш;
- жанг майдонида турли усуллар билан ҳаракатланиш;
- жойларда мўлжални харитасиз аниқлаш, азимут бўйича ҳаракатланиш.

### «Ҳарбий иш асослари» бўлими бўйича мавзулар номи ва уларни ўрганиш учун ажратилган соатлар ҳисоби.

| № | Мавзулар номи | Соатлар миқдори | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳамма си | Таълим муасса сида | ДЎЙ да | Ўқув пунктлари (МССЛ)да |
| 1 | Умумқўшин жанги асослари | 4 | 4 | | 4 |
| 2 | Аскарнинг жангдаги ҳаракатлари | 8 | 4 | 4 | 10 |
| 3 | Разведка | 3 | 2 | 1 | 3 |
| 4 | Позициянинг мухандислик қурилмалари ва уларни ниқоблаш | 1 | 1 | 1 | 3 |
| 5 | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қўлланиладиган миналар | 4 | 2 | 1 | 3 |
| 6 | Жойларда харитасиз мўлжал (ориентир) олиш | 4 | 3 | 1 | 5 |
| 7 | Назорат машғулотлари | 2 | | 2 | 2 |
| | **Жами** | **26** | **16** | **10** | **30** |

### 1-мавзу: Умумқўшинлар жанги асослари.

**1-машғулот.** Назарий. Жанг ҳақида тушунча. Замонавий умумқўшинлар жангининг тавсифи, унинг мақсади. Замонавий умумқўшинлар жангининг асосий турлари. Аскарнинг жангдаги мажбуриятлари. Унинг экипировкаси.

**2-машғулот.** Назарий. Мотоўқчи секциясининг таркиби, қуролланиши ва жанговар имкониятлари. Унинг ҳаракатланиш тактикаси. Жанговар “жуфтлик”, жанговар “учлик”. Мотоўқчи секциянинг юриш ва жанговар тартиби.

**3-машғулот.** Назарий. Жангдаги вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминлаб берувчи шартлар. Ўт очиш - жангда душманни яксон қилишнинг асосий воситаси. Ўт очиш турлари. Жангдаги манёврлар тўғрисида тушунча. Манёвр турлари. Секциянинг жанговар ҳаракатларини таъминлаш.

**4-машғулот.** Назарий. Замонавий армияларнинг самолёт, вертолёт, танк ва бошқа зирҳли машиналарининг тактик ва техник кўрсаткичлари. Уларнинг заиф жойлари. Уларга қарши кураш усуллари.

### 2-мавзу. Аскарнинг жангдаги ҳаракатлари[°]

**1-2-машғулот.** Амалий. Аскарнинг мудофаадаги ҳаракатлари. Мудофадаги ўт очиш позицияси тўғрисида тушунча. Ўт очиш секторини тозалаш ва окопни никоблаш. Мудофаа жангига тайёргарлик кўриш ва уни олиб бориш. Аскарнинг душман ўт очиш тайёргарлигини бошлаганда,

[°] Таълим муассасаларида ўқув майдони мавжуд бўлмаса 2- мавзу 1- 6 машғулотлар назарий ўтказилади.

душман томонидан ялпи қирғин қуроллари қўлланилганда ва душман хужумга ўтгандаги ҳаракати.

**3-машғулот.** Амалий. Аскарнинг хужумдаги ҳаракатлари. Ҳужумга тайёрланиш ва атакага ўтиш тартиби. Жанг майдонида ҳаракатланиш усуллари. Жангда хар хил тўсиқларни енгиб ўтиш. Окоп ва траншеяларда ўт очиш ва қўл жанги олиб бориш. Ҳужумда душманни йўқ қилиш усуллари.

**4-машғулот.** Амалий. Ётиб (тиззалаб)отиш учун окоп қазиш ва уни ниқоблаш.

**5-6-машғулот.** Амалий. Ушбу машғулотлар 1-3 машғулотларда кўрсатилган ўқув саволлари бўйича ДЎМ (й) да ўтказилади.

**7-8-машғулот.** Амалий. Ушбу машғулотлар 4-6 машғулотларда кўрсатилган ўқув саволлари бўйича ДЎМ(й)да ўтказилади.

## 3-мавзу. Разведка.

**1-машғулот. Амалий**. Разведка қилиш усуллари. Кузатувчи ва унинг вазифаси. Жойларни ўрганиш усуллари. Буюрилган кузатиш секторида душманни аниқлаш. Кузатув натижалари тўғрисида ахборот бериш.

**2-машғулот.** Назарий. Дозор (дастлабки кузатув). Разведкачиларнинг фаолияти ҳақида тушунча. Аскарнинг дозорчи сифатида фаолияти. Атрофни ва жойлардаги нарсаларни кўздан кечириш тартиби. Душманнинг кичик гуруҳлари билан дуч келганда дозорчиниг ҳаракати.

**3-машғулот.** Амалий. Ушбу машғулот 1-2 машғулотларда кўрсатилган ўқув саволлари бўйича ДЎМ(й) да ўтказилади.

## 4-мавзу. Позициянинг мухандислик қурилмалари ва уларни ниқоблаш.

**1-машғулот.** Амалий. БТР, пулемётчилар, гранатомётчилар, автоматчилар учун жиҳозланган окоп намуналарини, шахсий таркиб учун ёпиқ ўраларни ва жиҳозланган траншеяларни кўрсатиш.

## ЁЧҚБТ ни МССЛ да ўтадиган чақириқ ёшидаги болалар учун ҚЎШИМЧА

**3-4-машғулот.** Зирҳли жангавор машина (БТР)лар учун ва яшириниш учун пана жойларни окопларни трассировкалаш.

## 5-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қўлланиладиган миналар

**1-машғулот.** Назарий. Портлайдиган ва портламайдиган ҳамда аралаш бўлган муҳандислик тўсиқлари. Танкка ва пиёдаларга қарши миналар. Уларнинг вазифаси, тузилиши ва тактик-техник тавсифи.

**2-машғулот.** Амалий. Танкка ва пиёдаларга қарши алоҳида миналарни ўрнатиш тартиби. Ўрнатилган миналарни аниқлаш. Ўрнатилган миналарни ошкор қилувчи белгилар.

**3-машғулот.** Амалий. ДЎМ(Й)да ўтказилади. Мина майдонларидан йўл очиб ўтиш усуллари.

### 6-мавзу. Ҳарбий топография. Жойларда харитасиз мўлжал (ориентир) олиш.

**1-машғулот.** Назарий. Ҳарбий топография. Мўлжал олишнинг моҳияти. Компас, соат, қуёш ва маҳаллий предметлар ёрдамида дунё (горизонт) томонларни аниқлаш.

**2-машғулот.** Назарий. Магнит азимути ва уни аниқлаш. Махаллий предметларга бўлган азимут бурчакни ва магнит азимути бўйича йўналишни аниқлаш.

**3-машғулот.** Амалий. Азимут бўйича ҳаракатланиш тартиби, тўсиқларни айланиб ўтиш. Ҳужум объектини қидириб топиш ва уни эгаллашни азимут бўйича ҳаракатланиш билан уйғунлаштириш.

**4-5-машғулот.** Амалий. ДЎМ(Й)да ўтказилади. 3-машғулотда кўрсатилган ўқув саволлари бўйича ўтказилади.

**Назорат машғулоти:**

**1-2- машғулотлар**. 1-3- машғулотлар бўйича ўтазилади.

## ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ
## (ўғил ва қиз болалар учун)

### ТАЪЛИМ ВАЗИФАСИ

*Ўқувчилар тасаввурга эга бўлишлари шарт:*

- Ўзбекистон Республикаси худудида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва улар сабабларининг моҳияти тўғрисида;
- объект ва корхоналарда (таълим муассасаларида) фуқаро муҳофазасининг вазифалари ва ташкилий тузилиши тўғрисида;
- аҳолини эвакуация қилиш қоидалари ва усуллари, ҳалокат, фалокат оқибатларида зарарланган ҳудудларда фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш пайтида қутқариш ва бошқа шошилинч чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш усуллари тўғрисида.

*Ўқувчилар билишлари шарт:*

- Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ва миллий бойликларини содир бўлиши мумкин бўлган фалокат, ҳалокат ва табиий офатлар оқибатларидан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган умумдавлат чора-тадбирлари тизимининг ташкилий тузилиши асосларини;
- халқ хўжалигида қўлланиладиган кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЭЗМ), радиоактив ва заҳарловчи моддалар, биологик (бактериологик) ва бошқа оммавий шикастловчи воситаларнинг таъсирини;
- радиацион, кимёвий разведка дозиметрик назорат қилиш ускуналарида ишлашни;

- ҳимоя қурилмаларининг вазифалари ва тузилишини;

- бирон бир хавф ҳақида ёки хавф туғилганда аҳолини огоҳлантириш тартиби, фавқулодда вазиятлар шароитида ўзини тутиш қоидалари ва ҳимояланиш усулларини;

- объект ва корхоналарда, муассасаларда фуқаро муҳофазаси бўйича ўтказиладиган тадбирларнинг хусусияларини, фавқулодда вазиятларда корхона фаолиятини яхшилаш асосларини;

- қишлоқ жойларда чорва ва ўсимликларни ҳимоя қилиш мақсадида асосий тадбирларни ташкил этишни ва ўтказишни.

*Ўқувчилар уддалаши шарт:*

- фуқаро муҳофазаси сигналлари бўйича ҳаракат қилишни;
- шахсий ва оммавий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни;

Ўқувчиларни фавқулодда вазиятлар шароитларида пухта, ишончли ва унумли фаолият кўрсатишлари учун ахлоқий-руҳий мустаҳкам қилиб тарбиялаш зарур.

## "Фуқаро муҳофазаси" бўлими бўйича мавзулар номи ва уни ўрганиш учун ажратилган ўқув соатлари тақсимоти

| № | Мавзулар номи | Ҳаммаси | Соатлар миқдори | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Таълим муассасасида | | Ўқув пунктларида (МССЛ) |
| | | | Ўғил болалар | Қиз болалар | |
| 1 | Ўзбекистон Республикасида Фуқаро муҳофазасининг ташкил этилиши | 2 | 2 | 2 | |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва улар юз берганда аҳолининг ҳаракатлари | 6 | 6 | 6 | |
| 3 | Аҳолини фавқулодда вазиятлардан огоҳ этиш. | 1 | 1 | 1 | |
| 4 | Замонавий оммавий қирғин қуроллари ва улардан аҳолини ҳимоя қилиш | 4 | 4 | 4 | |
| 5 | Якка тартибдаги (индивидуал) ҳимоя воситалари. Уларнинг вазифаси, тузилиши ва улардан фойдаланиш | 4 | 4 | 4 | |
| 6 | Фукаролар муҳофазасининг ҳимоя иншоотлари | 2 | 2 | 2 | |
| 7 | Аҳолини эвакуция қилиш тадбирларини ташкил этиш | 1 | 1 | 1 | |
| 8 | Фавқулодда вазиятни бартараф этишдаги куч ва воситалар. Қутқариш – тиклаш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш | 6 | 6 | 6 | |
| 9 | Радиацион, кимёвий разведка ва дозиметрик назорат ускуналари | 3 | 3 | 3 | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 10 | Республика худудида одамлар, хайвонлар ва ўсимликларда учраши мумкин бўлган юқумли касалликлар | 1 | 1 | 1 | |
| 11 | Фуқаро мухофазаси ва терроризм | 2 | 2 | 2 | |
| 12 | Назорат машғулоти | 2 | 2 | 2 | |
| | **Жами** | **34** | **34** | **34** | |

## 1-мавзу: Ўзбекистон Республикасида Фуқаро муҳофазасининг ташкил этилиши.

**1-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Президентининг "Фавқулодда вазиятлар вазирлигини тузиш тўғрисида"ги фармони (1996йил 4-март). ФВВ- фуқаро мухофазаси сохасидаги ҳалокат, фалокат, табиий офатларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича рахбар орган. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонуни (2000 йил 26-май). Ўзбекистон Республикасида фуқаро мухофазаси тизимининг роли, вазифалари ва ташкилий тузилиши. Халқ хўжалиги объектларида (таълим муассасаларида) фуқаролар муҳофазасиниг ташкил этилиши.

**2-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими структураси, унинг даражаси ва шаклланиши. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими тўғрисида”ги №558-сонли қарори (1997 йил 23 декабр). Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизимининг (ФВДТ) фаолият кўрсатиш тартиби.

## 2-мавзу: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва улар юз берганда аҳолининг ҳаракатлари.

**1-2-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги №455- сонли қарори (1998 йил 27-октябр). Фавқулодда вазият (ФВ) тушунчаси.

Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар (геологик ва гидрометеорологик хавфли ҳодисалар, фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар). Зилзила, кўчки, сув тошқини, сел, қор кўчкиси, кучли шамол ва бошқалар. Довул, тўфон ва қуюнлар. Яқинлашиб келаётган хавфнинг дарак берувчи белгилари. .

ФВ бошланишида, рўй берганда ва тугагандан кейин ҳимояланиш усуллари.

**3-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (1999 йил 20-август). Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар тушунчаси. Ишлаб чиқариш корхоналарида юз бериши мумкин бўлган фалокатлар. Транспорт авариялари

ва ҳалокатлар. Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар. Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЭЗМ). Ёнғин ва портлаш. Энергетика тизимидаги авариялар. Гидротехника иншоотларидаги ҳалокатлар. Уларнинг юз бериш сабаблари.

**4-машғулот.** Назарий. Техноген характердаги фавқулодда вазиятларнинг ҳудудларга ва аҳолига таъсири. Аҳолининг техноген характердаги фавқулодда вазиятлар юз бергандаги ҳаракати. Улардан ҳимояланиш усуллари.

**5-6-машғулотлар.** Амалий. Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юз берганда ўзини тутиш қоидалари ва ҳаракатланиш усулларини такрорлаш.

## 3-мавзу. Аҳолини фавқулодда вазиятлардан огоҳ этиш.

**1-машғулот.** Назарий. ФВлардан огоҳлантириш, уларни бартараф этиш ва талофатларни камайтиришда алоқа тизимининг ўрни. Аҳолига фавқулодда вазият ҳақида хабар бериш ва огоҳлантиришнинг асосий усуллари. Объект (таълим муассасалари) шахсий таркибининг **«ДИҚҚАТ ҲАММАГА!»** сигнали бўйича ҳаракати ва ўзини тутиш қоидалари. Тинчлик пайтида таълим муассасасида фавқулодда вазиятларни олдини олиш вауларни бартараф этиш бўйича ҳаракатланиш режаси.

**2-машғулот.** Назарий. Талабаларни фавқулодда вазиятларга ахлоқий-руҳий тайёрлашнинг моҳияти. Ахлоқий-руҳий тайёргарлик воситалари, шакллари ва усуллари.

## 4- Мавзу. Замонавий оммавий қирғин қуроллари ва улардан аҳолини ҳимоя қилиш.

**1-машғулот.** Назарий. Радиациявий нурланиш. Ўзбекистон Республикасининг “Радиациявий хавфсизлик тугрисида”ги конуни (2000-йил 31-август). Ядро қуроли. Унинг шикаст етказиш факторлари. Радиоактив моддалардан ҳимояланиш.

**2- машғулот.** Назарий. Кимёвий қурол. Захарли моддалар қўлланилганининг белгилари. Кимёвий захарланиш ўчоғи. Захарли моддаларнинг турлари. Кимёвий бинар қуроли. Захарли моддалардан ҳимояланишнинг асосий усуллари.

**3- машғулот.** Назарий. Бактериявий (биологик) курол. Унинг қўлланганлиги белгилари. Асосий бактериявий (биологик) воситаларнинг қисқача тавсифи. Бактериявий захарланиш ўчоғи. Карантин ва обсервация хақида тушунча. Бактериявий (биологик) қуролдан ҳимояланиш.

**4- машулот.** Назарий. Замонавий оддий қирғин воситалари. Осколкали, шарикли, фугасли аслахалар. Портлаганда хажми ортадиган аслахалар. Ёндирувчи куроллар ва улардан ҳимояланиш.

## 5- мавзу. Якка тартибдаги (индивидуал) ҳимоя воситалари. Уларнинг вазифаси, тузилиши ва улардан фойдаланиш

**1- машулот.** Амалий. Нафас олиш органларини ҳимоя қилувчи индивидуал воситалар.Умумқўшинлар газниқоби ГП-5 ва ГП-7 . Уларнининг вазифаси, тузилиши ва улардан фойдаланиш. Респиратор Р-2. Чангга қарши матоли ниқоб (ПТМ-1), пахта-дока боғлагич ва улардан фойдаланиш.

**2- машулот.** Амалий. Терини химоя қилиш воситалари. Махсус воситалар – умумқўшин ҳимоя жамланмаси (ОЗК), унгил костюм (Л-1), ҳимояловчи – филтрловчи кийим (ЗФО). Умумқўшинлар ҳимоя жамланмасидан “Ёпинғич”, “Енгли плашч”, “Комбинизон” кўринишида фойдаланиш. Л-1 костюмини кийиш. Терини ҳимоя қилишнинг қўлбола воситаларидан фойдаланиш. Уларни қўшимча герметизациялаш ва шимдириш орқали ҳимоя ҳусусиятларини ошириш. Пахта ва докадан тайёрланган чангга қарши ниқоблар (ЧҚН-1).

**3- машғулот.** Амалий. Чангга қарши матоли ниқоб (ПТМ-1), пахта – дока боғлагичларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш. Жарохатланган одамга газниқоб кийдириш бўйича меъёрларни бажаришни такомиллаштириш.

**4- машғулот.** Амалий. Профилактика ва ҳимоянинг тиббий воситалари. Якка тартибдаги (индивидуал) дори қутиси (АИ-2) ҳмияга қарши индивидуал пакет ИПП-8 , ИПП-9, тиббий боғлов пакети. Улардан фойдаланиш.

## 6- мавзу. Фукаролар муҳофазасининг ҳимоя иншоотлари.

**1-2- машғулот.** Амалий. Паналар (убежиша). Уларнинг тузилиши ва жихозланиши. Радиацияга қарши пана жойлар (ПРУ). Оддий пана жойлар (очиқ ва ёпиқ ўралар). Ертўла ва бошқа чуқурлаштирилган хоналарни ахолини ҳимоялаш учун мослаштириш. Оддий пана жойларни қуриш тартиби. Одамларни панага жойлаштириш ва уларнинг ҳулқ меъёрлари.

## 7- мавзу. Аҳолини эвакуация қилиш тадбирларини ташкил этиш

**1- машғулот.** Назарий. Эвакуация қилиш тамойиллари ва усуллари. Эвакуация тадбирларини ўтказишни режалаштириш ва ўтказиш. Эвакуация комиссиялари, йиғув эвакуацион пунктлар. Миндириш ва тушириш станциялари. Эвакуация килинганларни қабул қилиш пунктларининг вазифаси ва фаолияти. Эвакуация жараёнида транспортдан фойдаланиш. Эвакуация вақтида аҳолини ўзини тутиш қоидалари ва бурчлари.

## 8- мавзу. Фавқулодда вазиятни бартараф этишдаги куч ва воситалар. Қутқариш – тиклаш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш.

**1- машғулот.** Назарий. Қутқариш – тиклаш ишларининг қисқача тавсифи. Қутқариш - тиклаш ишларига жалб этиладиган куч ва воситалар. Халқ хўжалиги объекти (ўқув юрти)да фавқулодда вазият юз берганда

қутқариш ва кечиктириб бўлмайдиган тиклаш усуллари ва йўл – йўриқлари. Қутқариш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидалари.

**2-3 машғулот.** Амалий. Фавқулодда вазиятларда санитар дружиналарининг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича харакатлари. Жабрланганларни эвакуация қилиш, транспортга ўтказиш ва даволаш муассасасига элтиш.

**4-6 машғулот.** Амалий. Одамларни санитария ишловидан ўтказиш. Тўла ва қисман санитар ишлови. Радиоактив, кимёвий таъсир этувчи заҳарли моддалар ва бактериявий воситалар билан зарарланганда тўла ва қисман санитар ишловини ўтказиш. Кийим бош, пояфзал, индивидуал ҳимоя воситаларини дезактивизаци, дегазация ва дезинфекция қилиш усуллари.

## 9- мавзу. Радиацион, кимёвий разведка ва дозиметрик назорат ускуналари.

**1- машғулот.** Амалий. Дозиметрик асбоблар классификацияси. Доза қувватини ўлчаш ускуналари (ДП-5А; ДП-5Б; ДП-5В). Уларнинг вазифаси, тузилиши ва ишлаш принципи. Индивидуал дозиметрлар. Нурланишнинг дозиметрик назоратини ташкил этиш. Назоратнинг индивидуал ва гуруҳ усуллари. Радиоактив нурланиш оқибатлари.

**2- машғулот.** Амалий. Қўшинларнинг кимёвий разведка ускунаси (ВПХР). Унинг вазифаси, тузилиши техник тавсифи. Ҳаводаги ва бошқа материаллардаги заҳарли моддаларни аниқлаш.

**3- машғулот.** Амалий. Радиацион, кимёвий ва дозиметрик назорат ускуналари билан ишлаш. Ҳаводаги ва жойдаги захарли моддаларни аниқлаш. ДКП-50 дозиметрини зарядлаш, кўрсаткичларни ўчириш.

## 10- мавзу. Республика худудида одамлар, хайвонлар ва ўсимликларда учраши мумкин бўлган юқумли касалликлар.

**1- машғулот.** Назарий. Юқумли касалликлар. Одамларда учрайдиган юқумли касалликлар ва уларнинг таснифи. Эпидемия. Ҳайвонларда ва ўсимликларда учрайдиган юқумли касалликлар. Эпизоотия. Эпитотия. Юқумли касалликларни олдини олиш (профилактика) ва улардан ҳимояланиш усуллари.

## 11- мавзу. Фуқаро мухофазаси ва терроризм.

**1-машғулот.** Назарий. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни (2000-йил 15- декабр). Терроризм - шахс ва жамиятга қарши жиноят. Асосий тушунчалар . терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари. Террорчилик фаолиятининг олдини олиш. .

**2-машғулот.** Амалий. Гаровга тушиб қолганда ўзини тутиш қоидалари. Шубҳали шахсни ёки буюмни сезиб қолинганда ҳаракат қилиш.

## Назорат машғулотлари

**1-2-машғулот.** Назарий. Якуний назоратни ўтказиш.

# ТИББИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

***(ўқувчи – ўғил болалар учун ўқув дастури)***

*Ўқувчилар билиши шарт:*

- қирғин ўчоғида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш асосларини;
- жароҳатлар тавсифини;
- қон кетиш турларини ва уларнинг асоратларини;
- суяк синиши турларини ва уларнинг асоратларини;
- куйиш, чўкиш, совуқ уриши тавсифларини;
- инфекция ва юқумли касалликлар ҳақида;
- карантин ва обсервация ҳақида;
- даволаш усуллари ва касални парваришлаш тамойилларини.

*Ўқувчилар уддалашлари шарт:*

- шикастланганда, чўкканда, совуқ урганда, куйганда ва бошқа бахтсиз ҳодиса содир бўлганда, заҳарли ва радиоактив аралашмалар билан зарарланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

### "Тиббий билим асослари" бўлими бўйича мавзулар номи ва уни ўрганиш учун ажратилган ўқув соатлари тақсимоти

| № | Мавзулар номи | Соатлар миқдори | Маъруза | Амалиёт | Ўқув пункти |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Шикастланганда, бахтсиз ҳодиса содир бўлганда ва жароҳатланганда (яраланганда) биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш | 6 | 1 | 5 | 6 |
| | **Жами** | **6** | **1** | **5** | **6** |

### 1-мавзу. Шикастланганда, бахтсиз ҳодиса содир бўлганда ва жароҳатланганда (яраланганда) биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

**1-машғулот.** Назарий. Жароҳат (яра) тўғрисида тушунча, жароҳат (яра)ларнинг турлари. Жароҳатланганда (яраланганда) биринчи тиббий ёрдам. Боғлам ва боғлаш учун материаллар. Шахсий боғлаш пакетидан фойдаланиш қоидалари.

**2-машғулот.** Амалий. Бош, кўкрак, қорин, қўл ва оёқларга стерилизация қилинган боғламлар қўйиш.

**3-машғулот.** Амалий. Қон кетиш турлари. Қон кетишни вақтинча тўхтатиш усуллари. Артерия қон томирларини бармоқ билан босиш нуқталари. Қўлбола сиқувчи боғлам ва тасма (жгут)дан фойдаланиш қоидалари.

**4-машғулот.** Амалий. Суяк синиши тўғрисида тушунча ва унинг белгилари. Бош суяги, елка, кўкрак қафаси, оёқ ва қўллар синганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари.

**5-машғулот.** Амалий. Куйиш, чўкиш, совуқ уриши тўғрисида тушунча. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

**6-машғулот.** Амалий. Радиациядан зарарланиш, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан зарарланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш. Радиацион зарарланишнинг олдини олиш. Шахсий тиббий ҳимоя воситаларидан АИ-2 шахсий аптечка ва шахсий киёвий заҳарли моддаларга қарши пакетлар (ИПП)нинг вазифаси ва турлари.

## ТИББИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

### (Ўқувчи қизлар учун).

Ўқувчиларни ватанпарварлик, беморларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш, тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини егаллаш билимларини эгаллаш, жаролхатланган ва бемор кишиларга онгли суратда ёрдам кўрсатишдек муқаддас бурчни бажариш руҳида тарбиялаш.

Ўқувчи қизларни ўқув муассасаларида ўқитишдан асосий мақсад:

- санитар дружинаси сифатида ишлашга тайёрлаш;
- уларни тиббий муассаларда кичик тиббий ходим сифатида ишлашга тайёрлаш.

Таълим жараёнида асосий эътибор ўқувчиларнинг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини эгаллаш, беморга қараётган пайтда муолажалар ўтказиш, уларга юқори маънавий фазилатларни сингдириш, беморларга хизмат кўрсатишнинг муҳимлигини ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган.

Назарий машғулотлар ҳикоя қилиш услубида кўргазмали плакатлардан фойдаланиш билан ўтказилади. Назарий маъруза ҳажми амалиёт даврида амалларни бажаришда қанча зарур бўлса шундан келиб чиқади. Амалий машғулотлар даврида ўқитувчи аввал амалларни бажариб, кўрсатиб тушунтиргандан сўнг, ўрганувчилардан сўрайди.

*Ўқувчилар тасаввурга эга бўлиши шарт:*

-тиббий муассасанинг тавсифи ва унинг тузилиш тўғрисида;

-тиббий хизмат тадбирларининг ўтказилиши тўғрисида.

*Ўқувчилар билиши шарт:*

- тиббий хизмат ва фуқаро муҳофазаси асослари, шунингдек унинг асосий вазифалари;
- жароҳатлаш ўчоғида биринчи тиббий ёрдам бериш стандартлари ва беморга қараш қоидаларини тўғри бажариш.

*Ўқувчилар уддалаши шарт:*

- жароҳат олганда, куйганда, совуқ урганда ва бошқа бахтсиз ҳолатларда, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ва радиация билан шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни:
- юқумли касалликлар профилактикаси бўйича ўтказиладиган тадбирларни бажаришни ва беморга қарашни.

*Ўқувчилар амалий кўникмага эга бўлиши шарт:*

-даволаш муассасаларида кичик тиббий ходим мажбуриятларини бажариш.

**"Тиббий билим асослари" бўлими бўйича мавзулар номи ва уларни ўрганишга ажратилган соатлар тақсимоти**

| № | Мавзулар номи | Соатлар миқдори | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Ҳамма-си | Маъру-за | Амалий машғу-лотлар |
| 1. | Инсон саломатлиги. Инсон саломатлигини бузувчи омиллар. | 4 | 4 | - |
| 2. | Бахтсиз ҳодисалар юз берганда 1- тиббий ёрдам. | 14 | - | 14 |
| 3. | Радиациядан зарарланиш. Радиациядан зарарланганда 1-тиббий ёрдам. | 2 | | 2 |
| 4. | Заҳарли ва кучли таъсир этувчи моддалардан заҳарланиш, уларнинг олдини олиш ва шикастланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш. | 4 | - | 4 |
| 5 | Даволаш муассасаларида даволаш муолажаларини бажариш. Шикастланган одамлар ва касалларни парвариш қилиш. | 12 | - | 12 |
| | **Жами** | **36** | | |

### 1-мавзу. Инсон саломатлиги. Инсон саломатлигини бузувчи омиллар.

**1-машғулот.** Назарий. Инсон саломатлиги. Касалликларни пайдо бўлишига сабабчи бўлувчи омиллар**.**

**1-машғулот.** Назарий. Чекиш ва уни соғлиққа таъсири. Алкогол ва уни соғлиққа таъсири

**2-машғулот.** Назарий. Наркомания ва токсикомания.

**3-машғулот.** Назарий. Юқумли касалликлар ва уларни олдини олиш.

**4-машғулот.** Назарий. Жинсий йўл билан юқувчи юқумли касалликлар.

### 2-мавзу. Бахтсиз ҳодисалар юз берганда 1- тиббий ёрдам.

**1-машғулот.** Амалий. Жароҳатлар тўғрисида тушунча. Жароҳатлар таснифи.

**2- машғулот.** Амалий. Боғлам турлари ва боғлам қўйиш қоидалари.

**3-машғулот.** Амалий. Қон кетиши ва қон кетганда 1-тиббий ёрдам.

**4-5-машғулот.** Амалий. Таянч – ҳаракат аппарати шикастланганда 1-тиббий ёрдам.

**6-машғулот.** Амалий. Мия, бош чаноғи травмасида ва умуртқа шикастланганда 1-тиббий ёрдам.

**7-8-машғулот.** Амалий. Кўкрак , қорин ва тос соҳаси травмасида 1-тиббий ёрдам.

**9-машғулот.** Амалий. Травматик шок. Травматик шокда 1-тиббий ёрдам.

**10-машғулот.** Амалий. Экстрен жонлантириш (реанимацион ёрдам).

**11-машғулот.** Амалий. Юрак тўхтаб қолганда 1-тиббий ёрдам.

**12-машғулот.** Амалий. Ўткир юрак етишмовчилиги ва инсульт юз берганда 1-тиббий ёрдам.

**13-машғулот.** Амалий. Куйиш. Куйганда 1-тиббий ёрдам.

**14-машғулот.** Амалий. Совуқ олган, офтоб урган, иссиқлик элтган ва газандалар чақиб олганда 1-тиббий ёрдам.

### 3-мавзу. Радиациядан зарарланиш. Радиациядан зарарланганда 1-тиббий ёрдам.

**1-машғулот.** Амалий. Радиоактив нурлар. Радиациядан зарарланиш. Радиациядан зарарланганда 1-тиббий ёрдам.

**2-машғулот.** Амалий. Индивидуал дориқути ва ундан фойдаланиш. Дезактивация.

### 4-мавзу. Заҳарли ва кучли таъсир этувчи моддалардан заҳарланиш, уларнинг олдини олиш ва шикастланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

**1-машғулот.** Амалий. Заҳарли модда турлари. Заҳарли моддалардан шикастланиш ва унда 1-тиббий ёрдам.

**2-машғулот.** Амалий. Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЭЗМ). Ишлаб чиқариш корхоналарида авария юз бериб, КТЭЗМ тарқаганда ҳаракатланиш тартиби.

**3-4-машғулот.** Амалий. Одамларни санитар ишловдан ўтказиш. Дегазация.

### 5-мавзу. Даволаш муассасаларида даволаш муолажаларини бажариш. Шикастланган одамлар ва касалларни парвариш қилиш.

**1-машғулот.** Амалий. Шикастланган одамлар ва касалларни даволаш жараёнларида уларни парвариш қилиб боришнинг аҳамияти. Шикастланган одамлар ва касалларни даволаш жараёнида бажариладиган ишлар. Операциядан чиққан, бадани куйган, нур касаллиги билан оғриган касалларни парвариш қилиш. Касал болаларни парвариш қилиш.

**2-машғулот.** Амалий. Беморнинг шахсий гигиенаси хақида тушунча ва унинг беморни даволашдаги аҳамияти. Беморнинг ётиш жойи, кўрпа-тўшагини тайёрлаш ва унинг ички кийимини алмаштириш қоидалари. Беморнинг териси, тирноғи, сочи, оғиз бўшлиғи, қулоғи ва кўзини парвариш қилиш қоидалари. Беморни боқиш, оғир беморларга сув бериш ва уларни тўғри овқатлантириш.

**3-машғулот.** Амалий. Даволаш муассасаларида бажариладиган муолажалар. Беморни текшириш учун ҳар хил амалларни бажариш (тана

ҳарорати, томир уриши ва бошқаларни ўлчаш) ва танадан ажралиб чиққан нарсаларни (пешоб, ахлат ва бошқаларни) йиғиш. Компрес, горчичник, банка қўйиш, ошқозонни ювиш қоидалари. Кислород ёстиғини тўлдириш ва беморга кислород бериш қоидалари.

**4 - машғулот.** Амалий. Дори воситаларини сақлаш ва тарқатиш.Дори-дармонлар ва уларни қўллаш меъёри ҳақида умумий тушунча. Касалхоналар ва поликлиникалар бўлимларида дори-дармонларни сақлаш ва уларни беморларга тарқатиш тартиби. Инсон танасига дори-дармонларни киритиш усуллари. Баъзи дори-дармонларга нисбатан юқори сезгирлик ҳақида тушунча.

**5-машғулот.** Амалий. Шикастланган одамлар ва касалларни ташиш. Беморларни ташиш усуллари ва воситалари. Замбиллар, аравачалар, ўриндиқ ва операция столига ётқизиш қоидалари. Беморларни автомобилга жойлаштириш (юклаш) қоидалари. Шикастланганлар ҳамда беморларни қўл ва бошқа ҳар хил воситалар ёрдамида бир жойдан бошқа жойга кўчириш.

**6- 12- машғулот.** Амалий. Даволаш масканида амалий машғулотлар ўтказилади.

## <u>ИЛОВАЛАР</u>

**1-илова**

### Кичик калибрли, пневматик милтиқдан ва автоматдан ва қўл гранатасини отиш машқлари

### Пневматик милтиқдан отиш машқлари

**1-машқ**

Қурол - ИЖ-22, ИЖ-38 русумли очиқ прицелли пневматик милтиқ:

- ўқлар - «Диаболо», «ДЦ»;
- отиш масофаси -5 м. (столнинг олдинги қиррасидан нишонгача бўлган масофа);
- нишон - қора доирали «П» нишони;
- ўқлар сони - 3 та ўрганиш учун, 5 та синов учун;
- отиш вақти - чегараланмаган;
- отиш вақтидаги ҳолат - туриб столга тирсакни тираган ҳолатда;

*Баҳолаш:* «аъло» - қора доирага 4 та теккизилганда;
«яхши» - қора доирага 3 та теккизилганда;
«қониқарли» - қора доирага 2 та теккизилганда;




Нишон «П». Қора доиранинг диаметри 29 мм..

**2-машқ**

Қурол - ИЖ-22, ИЖ-38 русумли пневматик милтиқ;
- ўқлар - қўрғошинли;
- отиш масофаси - 5 м.;
- нишон - 8 рақамли нишон;
- ўқлар сони - 3 та ўрганиш учун, 5 та синов учун;
- отиш вақти - чегараланмаган;
- отиш вақтидаги ҳолат - туриб столга тирсакни тираган ҳолатда;

*Баҳолаш:* «аъло» - 40 та очко;
«яхши» - 35 та очко;
«қониқарли» - 30 та очко;




8 рақамли нишон. Қора доиранинг диаметри 31 мм.,ўнликнинг диаметри 1 мм.

## Кичик калибрли милтиқдан отиш машқлари

### 1-машқ

Қурол - кичик калибрли ТОЗ-8 ёки ТОЗ-12 русумли милтиқ:

- ўқ  - спорт-ов патронли;
- отиш масофаси - 6 рақамли нишон учун 25 м. (7  рақамли нишон учун 50 м.);
- ўқлар сони - 3 та ўрганиш учун, 5 та синов учун;
- отиш вақти - 15 минут;
- отиш вақтидаги ҳолат - ётиб тирсакка таянган ҳолатда;

*Баҳолаш:* «аъло» - 40 та очко;
«яхши» - 35 та очко;
«қониқарли» - 30 та очко;




6 рақамли нишон. Қора доиранинг диаметри 62 мм..

### 2-машқ

Қурол - кичик калибрли ТОЗ-8 ёки ТОЗ-12 русумли милтиқ;

- ўқ – спорт-ов;
- отиш масофаси - 6 рақамли нишон учун 25 м. (7  рақамли нишон учун 50 м.)
- ўқлар сони - 3 та ўрганиш учун, 10 та синов учун;
- отиш вақти - чегараланмаган;
- отиш вақтидаги ҳолат - ётиб тирсакка таянган ҳолатда.

*Баҳолаш:* «аъло» - 70 та очко;
«яхши» - 50 та очко;
«қониқарли» - 40 та очко;




7А (6А) – кичик калибрли винтовкадан отиш учун кўкрак нишони.
Қора доиранинг диаметри 112 мм

**Автоматдан отиш бўйича дастлабки машқлар**

**Жойидан туриб ҳаракатланмайдиган ва
пайдо бўлувчи нишонга отиш**

Нишон - доирали кўкрак нишони (4 рақамли нишон), ҳаракатланмайдиган, ер сирти билан баробар (ердан кўтарилмаган) ўрнатилган шит, ҳужумчи ўқчи (қарши ҳужумга ўтувчи) - чегараланмаган вақтда кўринадиган юрувчи нишон (8 рақамли нишон).

- нишонгача бўлган масофа: кўкрак нишонигача – 100 м, ҳужумчи ўқчи нишонгача – 200 м.
- ўқлар сони – 9 та, ундан 3 таси доирали кўкрак нишонга отиш учун.
- отиш вақти – чегараланмаган.
- отиш вақтидаги ҳолат - ётиб тирсакка тиралган ҳолда.

*Баҳолаш:* иккала нишонни ишғол қилиш ва бунда
«аъло» - 25 та очко;
«яхши» - 20 та очко;
«қониқарли» - 15 та очко;

*Калашников автоматидан отиш учун*
(ўлчамлар миллиметрда кўрсатилган)




Доирали кўкрак нишони
(4 рақамли нишон)




Бўй баравар нишон
(8 рақамли нишон)

**Қўл гранаталарини улоқтириш машқлари**

**1 - машқ**

*Турган жойдан парчаланувчи қўл гранаталарини улоқтириш*

Нишон - 3 та ҳужумчи отувчи – очиқ жойда(майдонда) 10 м фронт бўйича ва 5 м чуқурлиги бўйича белгиланган ўлчамда ўрнатилган 8 рақамли бўй баробар нишон:

- ўлчам чуқурлиги бўйича 3 қисмга бўлинади: марказий - 1 м чуқурликда, яқин ва узоқ - 2 м чуқурликда. Марказий қисмининг ён томонига икки нишон, узоқ қисмининг ўртасига бир нишон ўрнатилади;
- нишонгача масофа 25 м (окоп (ўра)нинг олд деворидан ўлчам марказий қисмининг ўртасигача ўзгаради);
- гранаталар сони - 1 болванка;
- отишдаги ҳолат – окоп (ўра) зинасида турган ҳолатда.

*Баҳолаш:* «аъло» - ўлчамнинг марказий қисмига тушиши;
«яхши» - ўлчамнинг узоқ қисмига тушиши;
«қониқарли» - ўлчамнинг яқин қисмига тушиши.

**2-машқ**

*Танкка қарши қўл гранатасини ҳаракатланмайдиган нишонга улоқтириш*

Нишон – окоп (ўра)даги танк (12Б рақамли нишон), фронт бўйича 3,5 м, чуқурлиги бўйича 7 м ўлчамда ўрнатилади:

- ўлчам чуқурлиги бўйича 3 қисмга бўлинади: марказий - 2,5 м чуқурликда, яқин ва узоқ - 2,25 м чуқурликда. Марказий қисмининг ён томонига икки нишон, узоқ қисмининг ўртасига бир нишон ўрнатилади;

- нишонгача масофа – 20-15 м.;

- гранаталар сони - 1 болванка танкка қарши граната;

- отишдаги ҳолат – окоп (ўра)да турган ҳолатда.

*Баҳолаш:* «аъло» - ўлчамнинг марказий қисмига тушиши;
«яхши» - ўлчамнинг узоқ қисмига тушиши;
«қониқарли» - ўлчамнинг яқин қисмига тушиши.

**3-машқ**

*Парчаланувчи қўл гранатасини узоқ масофага улоқтириш*

Ҳимоя тутқичи бўлмаган Ф-1 ўқув гранатаси югураётган ёки турган ҳолатда улоқтирилади. Граната оғирлиги - 600 гр:

- гранаталар сони – 3 та;

- кийим-бош - таълим муассасалари раҳбарлари томонидан белгиланган кийимда, қўлда автомат билан. Автомат оғирлигига тенг автомат макетидан фойдаланишга рухсат этилади.

- улоқтириш эни 10 метрли келадиган йўлакда узунлиги 4 метр, эни 7 см.ли планкадан ёки чизиқдан бажарилади. Планка югуриш учун йўлакчага, ернинг юза қисмига маҳкамланади. Улоқтирилган граната коридорнинг чегарасига тушиши вақтида ўқувчи планкани босмаса, турғунлик ҳолатини сақласа, унинг танаси ёки автомати планкага тегмаса улоқтириш ҳисобга олинади.

*Баҳолаш:* «аъло» - 40 м;
«яхши» - 35 м;
«қониқарли» - 30 м.

**Қўл гранаталарини улоқтириш машқларини бажариш учун нишонлар (ўлчамлар мм. да берилган)**

*Парчаланувчи қўл гранаталарини улоқтириш учун:*

- 8 рақамли бўй-баробар нишон, умумий ўлчамлари: эни – 500, баландлиги – 1500; бош ўлчамлари: эни – 230, баландлиги – 180; нишон асосининг эни – 250; тиззагача қисми – 500.

*Танкка қарши қўл гранаталарини улоқтириш учун:*

- 12Б рақамли нишон – ўрадаги танк, эни 2800, баландлиги – 1000.

**Қўл гранатасини улоқтириш бўйича яккама-якка мусобақалар**

Мусобақа ўтказиш жойи – жойдаги исталган майдонча. Старт чизиғидан 50 м масофада хандақ қазилган. Хандақдан 20 м узоқликда граната улоқтириш учун ўлчамлари 1,5 х 1,0 метрли (ердан баландлиги 0,4 м) тахтача – нишон ўрнатилган. Бошланғич ҳолат - старт чизиғида ётиш.

**1-вариант.** «Олға!» буйруғи берилиши билан 50 м масофани югуриб ўтиш. Хандаққа сакраб тушиш ва 600 граммли парчаланувчи қўл гранатасини (ясама граната) 20 метр масофадаги нишонга улоқтириш. Мусобақа биринчи бўлиб ютқазганни мусобақадан чиқариш тизими бўйича ўтказилади. Мусобақа бошланишидан аввал қуръа ташлаш йўли билан иштирокчиларнинг учрашиш тартиби аниқланади. Машқларни бажариш бир

вақтда икки иштирокчи билан ўтказилади. Жуфтликда биринчи бўлиб нишонга гранатани теккизган иштирокчи ғолиб ҳисобланади. Ҳар бир иштирокчига иккитадан граната берилади. Агар иштирокчи биринчи гранатани теккиза олмаса иккинчи гранатани улоқтиради. Агар иккала иштирокчи ҳам улоқтирилган гранаталардан ҳеч бирини нишонга теккиза олмаса, улар мағлуб ҳисобланади. Жуфтликлардаги ғолиблар яна жуфт ҳолда ўзаро учрашадилар. Ўқув взводи (бўлим) биринчилиги охирги жуфтликда ғолиб бўлган иштирокчига берилади.

Кийим-бош тури – ҳарбийча автомат билан (автомат макети) ва иккита гранатаси билан граната сумкаси.

Яккама-якка мусобақалар бошқа шароитларда ҳам ўтказилиши мумкин.

**2-вариант.** «Олға!» буйруғи берилиши билан 30 метр масофа югуриб, 20 метр масофа ерга ётиб эмаклаб ўтилади. Хандаққа тушиш ва қолган шартлар аввалги қоидалар асосида амалга оширилади.

**3-вариант.** 600 граммли парчаланувчи қўл гранатасининг ўрнига 1 кг.ли танкка қарши гранатани 15 метр узоқликдаги нишонга улоқтириш.

**4-вариант.** Мусобақани тўсиқлар майдонида ўтказиш. Улоқтиришни 25-30 метр масофада ўтказиш мумкин. Машқларни бажариш югуриш майдончасига жойлашган тўсиқларни енгиш билан мураккаблашади.

**2-илова**

## НАЗОРАТ МЕЪЁРЛАРИ

| **Меъёрлар номи (машқлар)** | **Меъёрларни бажариш мазмуни ва шартлари (тартиби)** | **Баҳолаш, баҳони пасайтирувчи хатолар** |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| **Ҳарбий иш асослари** | | |
| Нишонни мўлжаллаш, уни мўлжалга ва жойлардаги жисмларга нисбатан ўрнини аниқлаш ва кузатиш хулосаси ҳақида ҳисобот бериш | Ўқувчи кузатиш учун олдиндан белгиланган майдондан жой эгаллайди. Кузатиш майдонида кузатувчидан 200-500 метр узоқликда учта нишон жойлашган.<br>Нишонни мўлжаллаш, уни мўлжалга ва жойлардаги жисмларга нисбатан ўрнини аниқлаш ва кузатиш хулосаси ҳақида ахборот бериш | *Баҳолаш:*<br>**«аъло»** - учта нишон ва уларгача бўлган масофа тўғри аниқланган;<br>**«яхши»** - учала нишон тўғри ва уларгача бўлган масофа 15 % дан ошмаган хатолик билан аниқланган;<br>**«қониқарли»** - камида иккита нишон тўғри аниқланган, улардан биригача бўлган масофани ўлчаш хатолиги 15 % дан ошган;<br>**«қониқарсиз»** - иккитадан кам нишон тўғри аниқланган ёки икки ҳолатда уларгача бўлган масофа 15% хатоликдан ошиб кетган.<br>*Хатоликлар:*<br>-ўқувчи томонидан кузатиш жойининг нотўғри танланиши;<br>- ҳар бир нишонгача бўлган масофани ўлчаш хатолиги 15 % дан ошиб кетиши. |
| Жанг майдонида ҳаракатланиш | Бошланғич ҳолат – жанговар позиция (отиш | *Баҳолаш:*<br>**«аъло»** - ҳамма ҳаракатлар тўғри ва аниқ |

| | | |
|---|---|---|
| | учун жой). Ўқувчига тактик вазият етказилади, унга янги жойга ҳаракатланиш вазифаси қўйилади.<br>Бошқарувчининг буйруғи билан ўқувчи 20-30 метр масофани ўт очиб тез юриб ўтиши, 50 метргача бўлган масофани югуриб ва 10 метргача бўлган масофани эмаклаб ўтиши керак. | бажарилган;<br>**«яхши»** - ҳаракатланиш вақтида камида иккита хатолик бўлган;<br>**«қониқарли»** - ҳаракатланиш вақтида камида учта хатолик бўлган.<br>*Хатоликлар:*<br>- жой рельефини ҳисобга олмасдан ҳаракатланиш;<br>- отиш учун нотўғри жой танлаш;<br>- жойларни ва душманни кузатмаслик;<br>- пистирма учун жойлардаги жисмлардан фойдаланмаслик;<br>- ҳаракатланиш пайтида, тўхтаганда, югурганда ва эмаклаганда корпусни, куролни нотўғри ҳолда тутиш. |
